

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ”

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДИУ доценти и.ф.н. Қосимов М.С.

Тақризчи: Huaewei Tech Investment Tashkent MCHJ Director of project financing department, Sales finance Department of Huawei Tashkent office Qi Ju Zhu

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2016 йил _____ даги __-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитиша фойдаланиладиган интерфаол таълим методлар	13
III. Назарий материаллар	17
IV. Амалий машғулот материаллари	42
V. Кейслар банки	43
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	63
VII. Глоссарий	65
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	69
IX. Илова.....	70

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур мазмуни иқтисодиётда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади. Дастурда иқтисодиётда тизимли ёндашувнинг моҳияти, тизимли таҳлилнинг назарий асослари, методологияси, тизимни шакллантириш ва моделлаштириш бўйича тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришни назарда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагогик кадрларга тизимли таҳлил ғояларининг юзага келиш тарихи, тизимлар назариясининг асосий тушунчалари ва тизимли таҳлилнинг моҳияти, унинг технологиясини кўриб чиқиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

Ушбу модулнинг асосий **мақсади** тингловчиларга иқтисодиётда тизимли таҳлил технологияларининг амалий ва назарий асослари бўйича тингловчиларнинг билими, малака ва кўникмаларини шакллантиришдан иборатdir.

Ўқув модулининг вазифалари:

- макро ва микроиқтисодиётда, ижтимоий соҳаларда, давлат ташкилотларининг фаолиятида фойдаланиладиган тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асосларини ўрганиш;
- иқтисодиёт, ижтимоий соҳалар, муҳандислик-технология, бошқарув ва мамалакат ҳаётининг барча соҳаларини интеграллашган ва тизимли ҳолда ривожланишини олдиндан кўриш эрудициясини кенгайтириш;
- профессионал фаолиятни самараадорлиги таъминлашда тизимли ёндашув ва тизимли таҳлилнинг имкониятларини очиб бериш;
- тизимли таҳлил технологияларини, методологиясини ва назарий асосларини тингловчиларга очиб бериш;
- иқтисодий тизимлар ва унинг компонентлари, уларнинг алоқадорлигини аниқлаш, тизим структураси ва декомпозицияси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;

- иқтисодий тизимлар ва унинг компонентлари, уларнинг алоқадорлигини аниқлаштизим структураси ва декомпозицияси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;

- иқтисодий тизим таҳлилидан илмий тадқиқотларда, инвестиция лойиҳалари ва корпоратив бошқарув тизимида фойдаланиш асосларини ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари” модулини ўзлаштириш жараёнида тингловчи ўзини-ўзи баҳолаш, билимини тўғри қўллаш, қўшимча билиши керак бўлган маълумотларни англаш, билмайдиган нарсаларни қачон ва қаерда билишини белгилаб олиши керак. Иқтисодиётда тизимли таҳлилни қўллаш аввало унинг методологиясини яратиш ва тизимни яратиб олишни, тавсия ва ишланмаларни тадбиқ этишда эса манзилли, узоқни кўзлаб харакат дастурини ишлаб чиқиши тақозо этади.

“Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тизимли таҳлилнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, фаннинг классик ва замонавий илмий қарашларнинг концептуал асослари;
- замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тизимли таҳлилнинг қўлланилиши, ислоҳотларнинг самарали амалга оширишда тизимли таҳлил методологиясининг роли ва аҳамиятини ошиб бориши;
- истиқболдаги долзарб муамолар ва ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича **билимларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- иқтисодий муаммони тизим формати ва методологияси асосида ифодалай олиш;
- тизимли таҳлил принциплари ва ёндашувларини амалда қўллай олиши ва тўғри хulosаларни яратиш;
- иқтисодиётда тизимли таҳлил самарасини баҳолаш;
- ривожланган мамлакатларда тизимли таҳлил бўйича тўпланган тажрибалар ва хulosаларни шакллантириш **кўникмаларини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- Иқтисодий муаммоларни аниқлаш, долзарблигини исботлаш ва тизимли таҳлил қилиш;
- замонавий шароитларда илмий ва педагогик фаолиятда муаммонитизимли таҳлил қилиш ва конструктив хulosаларни шакллантириш;
- тизимли таҳлил этишда тизимга таъсир этувчи омилларни сон ва сифат жихатдан боғлиқлигини аниқлаш, уларни моделлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- тизимли таҳлил маҳсулотлари бўлган иқтисодиёт муаммоларининг концепцияларини, докладларни ва қарор қабул қилиш учун материалларни

ишилаб чиқишига оид **малакаларни** эгаллаши лозим;

Тингловчи:

- ўз касбий фаолият соҳаларида тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишни амалда қўллаш;
- иқтисодий асосдаги ахборот-таҳлилий хужжатларни ишилаб чиқиб, улардан фойдаланиб кейслар тузиш;
- ахборот - таҳлилий хужжатларни илмий-тадқиқот ва педагогик амалиётда қўллаш;
- давлат бошқаруви, таълимга оид ахборот таҳлилий хужжатларни ишилаб чиқиши;
- ахборот – таҳлилий хужжатларнинг муаммосини аниқлаш ва уни ечиш тизими ва унинг композицияларини аниқлаш;
- ахборот таҳлилий хужжатларни баҳолаш, такомиллаштириш бўйича таклифлар ва хulosаларни асослаш;
- ахборот – таҳлилий хужжатлар асосида қарор қабул қилиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишиш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усувларини қўллаш назарда тутилади;
- маъруза ва амалий машғулотларни ўтказища ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўрганилаётган муаммонинг тизимли таҳлили ва қарор қабул қилиш ҳамда олий таълимда тизимли таҳлилни қўлланилиши тавсия этилади.

**Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва
узвийлиги**

“Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари” ўқув режадаги иқтисодий ва бизнес фанлари билан бирга “Таълим ва тарбия жараёнларининг қонунчилик асослари”, “Амалий эконометрика” ўқув модуллари билан узвий боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар иқтисодий илмий изланишларда, муаммони ечишда, узокни қўзлаб тизимли ёндашиш, унинг методологиясидан фойдаланиш, хуроса ва тавсияларни амалий аҳамиятини инобатга олиш касбий компетентлигига эга бўлади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақ-қил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	Назарий	Амалий машғулот			
1	Иқтисодиётда тизимли таҳлил модулининг предмети ва тушунчалари	2	2	2				
2	Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг ёндашувлари	2	2	2				
3	Иқтисодиётда тизимли таҳлил структураси ва принциплари	2	2	2				
4	Тизимли таҳлил методологияси. Иқтисодий муаммолар ва уларни тизимлари	2	2	2				
5	Тизимли таҳлил асосида қарор қабул қилиш асослари	2	2		2			
6	Тизимли таҳлилда иқтисодий муаммони асосини шакллантириш ва ечиш (кейс)	4	2		2	2		
	Жами	14	12	8	4	2		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Иқтисодиётда тизимли таҳлил модулининг предмети ва тушунчалари.

Режа:

- 1.1.Ўқув курсининг мақсад ва вазифалари**
- 1.2.Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг асосий тушунчалари**
- 1.3.Тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги**

1.1.Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари

Иқтисодиётда тизимли таҳлил курсининг мақсади ва вазифалари. Иқтисодий муаммолар тизим таҳлил объекти сифатида. Иқтисодий муаммолар ва уларни тизимли баён этишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Муаммони моҳиятини тизим форматида кўриш. Муаммони ечиш мезонлари ва устивор томонларини аниқлаш.

Тизимли ва аналитик тафаккур. Тизим қонуниятлари. Тизимнинг яхлитлиги ва компонентлари. Тизимни коммуникатив характеристи. Иқтисодий тизим иерархияси.

1.2.Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг асосий тушунчалари

Иқтисодий тизим ва унинг алоқадорлиги. Иқтисодий тизимлар. Тизимнинг таркиби ва алоқадорлиги. Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари. Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг бошқа фанлар билан узвий алоқадорлиги. Тизимнинг фанлараро боғлиқлиги. Тизимли таҳлил технологияси.

1.3.Тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги

Тизимли таҳлил фанлараро фан. Тизимли таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг хозирги даврдаги ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аналитик таҳлилий бошқармалари. Ўзбекистонда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг бугунги ҳолати ва келгуси истиқболлари. Ўзбекистонда тизимли таҳлилнинг амалда қўлланиши.

2-мавзу: Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг ёндашувлари.

Режа:

2.1.Тизимли ёндашувнинг келиб чиқиши ва ривожланиши

2.2.Тизимни таҳлил этишдаги асосий ёндашувлари

2.3.Тизимли ёндашув принциплари

2.4. Тизимли ёндашув турлари

2.5.Тизимли ёндашув ўрганадиган муаммолар

2.6.Иқтисодий илмий-тадқиқотлар ва бошқарув қарорларини қабул қилишда тизимли ёндашувларидан фойдаланиш(ақлий хужум).

2.1.Тизимли ёндашувнинг келиб чиқиши ва ривожланиши

Тизимли ёндашув тушунчаси. Тизимли ёндашувнинг шаклланиш босқичлари. Тизимли ёндашув шаклланишининг шарт-шароитлари. Табиий-ижтимоий шарт-шароитлар. Технологик шарт шароитлар. Иқтисодий муаммога тизимли ёндашув – замонавий илмий билишнинг назарий ва методологик асоси эканлиги.

2.2.Тизимни таҳлил этишдаги асосий ёндашувлари

Формал ва мазмун-моҳиятли ёндашув. Комплекс ёндашув. Интеграцион ёндашув. Ситуацион ёндашув. Инновацион ёндашув. Норматив ёндашув. Хулқатворт ёндашув.

2.3. Тизимли ёндашув принциплари

Тизимнинг бир бутунлиги принципи. Ривожланиш принципи. Глобал мақсад принципи. Функционаллик принципи. Марказдан қочиш принципи. Иерархия принципи. Ноаниқлик принципи.

2.4. Тизимли ёндашув турлари

Тизимли генетик ёндашув. Тизимли-структуравий ёндашув. Тизимли коммуникатив ёндашув. Тизимли – бошқарув ёндашув. Тизимли функционал ёндашув. Тизимли- интегратив ёндашув.

2.5. Тизимли ёндашув ўрганадиган муаммолар

Давлат бошқарув соҳасидаги иқтисодий муаммолар. Республика, вилоят, туман ва тармоқ миқёсидаги иқтисодий муаммолар. Корхоналарни стратегик комплекс ривожланиш муаммолари. Бошқарувнинг янги комплекс тизимини ишлаб чиқиши. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари. Ижтимоий- иқтисодий муаммоларни тизимли таҳлил асосида ўрганиб чиқиши. Миқдорий кўрсаткичлар ёрдамида акс этадиган муаммолар ва уларнинг хусусиятлари. Муаммода аниқлилик, бошқарувчанлик, яқдиллилик, келишувчанлик, тенглилик, бир типлилик.

3-мавзу: Иқтисодиётда тизимли таҳлил структураси ва принциплари.

Режа:

3.1. Тизимнинг ички таркиби ва алоқалари. Тизимни ташқи олам билан алоқалари.

3.2. Тизимлар классификацияси.

3.3. Тизимли таҳлил принциплари.

3.4. Тизимли таҳлил структураси.

3.1. Тизимнининг ички таркиби ва алоқалари. Тизимни ташқи олам билан алоқалари.

Объектни тизимлилигини белгилаб берувчи хусусиятлар. Бўлинмаслик ва бир бутунлилик. Тизим элементлари (компонентлари). Тизимнинг компонентларини ўзаро ички ва ташқи алоқадорлиги. Алоқаларни бирламчи ва иккиласми даражаси. Тизим қабул қилувчи элементлар ва тизимга кирмайдиган элементлар. Тизим обьектини белгиловчи элементлар. Тизим ости элементлар.

3.2. Тизимлар классификацияси

Физик тизимлар. Табиий тизимлар. Инсон-машина тизими. Абстракт тизимлар. Иқтисодий тизимлар. Ижтимоий тизимлар. Марказлашган ва номарказлашган бошқарув тизимлар.

3.3. Тизимли таҳлил принциплари

Иқтисодиётда узоқни (келгуси 10-20 йиллик тараққиётни) кўриш. Якуний мақсад. Ўлчаш принципи. Эквивалентлилик. Модуль тузилиши. Иерархия. Функционаллик. Ривожланиш. Номарказлаштириш. Ноаниқлик принципи.

Тизимли таҳлилнинг умумий принциплари. Дедуктив изчиллик принципи. Интегратив кўриб чиқиши принципи. Долзарблилик принципи. Конфликтсизлик принципи.

3.4. Тизимли таҳлил структураси

Тизим – муаммони ечиш воситаси сифатида. Тизимли таҳлил структураси.

Тизимни Декомпозициялаш (Мақсад ва вазифалар дарахти. Тизимни мұхитдан ажратиб олиш. Таъсир этувчи омилларни аниқлаш, рақамларда ўлчаш/хисоблаш. Ривожланиш тенденцияларини ва ноаниқларни аниқлаш ва рақамларда ўлчаш).

Тизимли таҳлил босқичи. Таҳлил объектини келиб чиқиши, ривожланиш сабаблари, тенденциялари. Декомпозиция, анализ, синтез. Тизимни функционал таҳлили. Генетик таҳлили. Умумийлик ва хусусийлик. Морфологик таҳлил. Күп омилли таҳлил. Самарадорлик таҳлили. Талабларни, чекловларни ва критерияларни аниқлаб олиш.

Синтез босқичи. Тизим моделини яратиш. Макро ва микроіқтисодий тизимлар ва моделлар. Тизимни іқтисодий математик моделини яратиш. *Инвестиция лойиҳалари мисолида инвестиция лойиҳасининг келгуси модели.* Муаммони ечувчи тизим параметрлари синтези. Синтез қилинган тизимни баҳоловчи варианtlарни аниқлаш. Тизимни варианtlар бўйича баҳолаш.

4-мавзу: Тизимли таҳлил методологияси. Иқтисодий муаммолар ва уларни тизимлари

Режа

4.1. Тизимли таҳлил усуллари ва методологияси.

4.2. Тизимли таҳлилда меъёрларни шакллантириш, комплекс муаммоларни ўрганиб ечиш

4.3. Ижтимоий - иқтисодий муаммолар ва уларнинг тизимлари

4.1. Тизимли таҳлил усуллари ва методологияси.

Тизимли таҳлил фанининг методологияси тушунчаси. Назария, услуг, усул, принциплар ва мантиқий, сон ва сифат боғлиқлиги. **Тизимли таҳлил усуллари.** Ақлий хужум.Дельфи. Эксперт баҳолари. Морфологик усул. Эксперимент усули. “Мақсадлар дарахти”.

4.2. Тизимли таҳлилда меъёрларни шакллантириш, комплекс муаммоларни ўрганиб ечиш

Хозирги даврда иқтисодий муаммоларни мураккаблашуви. Комплекс муаммоларни ечишда тизимли таҳлилни қўллашнинг устунлиги. Муаммони ечиш метологиясини яратиш - ижодий жараён эканлиги ва унинг андозасини йўқлиги.

4.3. Ижтимоий - иқтисодий муаммолар ва уларнинг тизимлари

Жаҳон молиявий - иқтисодий инқизорзи муаммолари ва унинг тизими. Ўзбекистонда пул-кредит тизими ва пул кредит сиёсати. Пул кредит тизимининг бирламчи ва иккиламчи алоқалари. Пул кредит тизимининг мақсади, бугунги кундаги вазифалари. Пул кредит тизими, унинг компонентлари, алоқалари, тизимли таҳлилни қўлланиши ва самарадорлиги. Ўзбекистон молия - солиқ тизими. Ўзбекистоннинг энергетика тизими. Замонавий корпоратив бошқарув тизими.

5-мавзу.Тизимли таҳлилда қарор қабул қилиш асослари Режа

- 5.1.Қарор қабул қилишнинг аҳамияти, объекти ва субъектлари**
- 5.2.Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобилликлари**
- 5.3.Қарор қабул қилишнинг усуллари ва модели**

5.1.Қарор қабул қилишнинг аҳамияти, объекти ва субъектлари

Қарор қабул қилиш тушунчаси, уни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фанлардаги талқини. Қарор қабул қилиш махсус жараён. Қарор қабул қилувчи шахс. Муаммони манзили, эгаси ва қарор қабул қилувчи шахс. Қарор қабул қилишда фаол иштирокчилар. Қарор қабул қилишда маслаҳатчининг роли.

5.2.Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобилликлари

Қарор қабул қилишда муқобиллик. Қарор қабул қилиш меъзони. Қарорни меъзонлар асосида баҳолаш. Миқдор ва сифат баҳо шкаласи. Абсолют ва интерваллар шкаласи.

Сифат ўлчамлари шкаласи. Номинал шкала. Тартиб шкаласи. Харрингтон шкаласи. Муаммо, конфликт. Вазият. Тўғридан- тўғри музокаралар. Келишув тартиблари. Воситачи иштирокидаги музокаралар.

5.3.Қарор қабул қилишнинг усуллари ва модели

Ноформал/норасмий, миқдоройӣ, замонавий усуллар. Интуитив усул. Адаптив усул. Натижалилик. Амалийлик. Тежамлилик. Вақт омили. Назарий модел. Вербал модел. Схематик модел, сетевой модел. Математик модел. Моделни шакллантириш ва ўрганиш

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- амалий машғулот:

1-мавзу.Тизимли таҳлилда қарор қабул қилиш асослари Режа

- 1.1.Қарор қабул қилишнинг аҳамияти, объекти ва субъектлари**
- 1.2.Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобилликлари**
- 1.3.Қарор қабул қилишнинг усуллари ва модели**

1.1.Қарор қабул қилишнинг аҳамияти, объекти ва субъектлари

Қарор қабул қилиш тушунчаси, уни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фанлардаги талқини. Қарор қабул қилиш махсус жараён. Қарор қабул қилувчи шахс. Муаммони манзили, эгаси ва қарор қабул қилувчи шахс. Қарор қабул қилишда фаол иштирокчилар. Қарор қабул қилишда маслаҳатчининг роли.

1.2.Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобилликлари

Қарор қабул қилишда муқобиллик. Қарор қабул қилиш меъзони. Қарорни меъзонлар асосида баҳолаш. Миқдор ва сифат баҳо шкаласи. Абсолют ва интерваллар шкаласи.

Сифат ўлчамлари шкаласи. Номинал шкала. Тартиб шкаласи. Харрингтон шкаласи. Муаммо, конфликт. Вазият. Тўғридан- тўғри музокаралар. Келишув тартиблари. Воситачи иштирокидаги музокаралар.

1.3. Қарор қабул қилишнинг усуллари ва модели

Ноформал/норасмий, микдорой, замонавий усуллар. Интуитив усул. Адаптив усул. Натижалилик. Амалийлик. Тежамлилик. Вақт омили. Назарий модел. Вербал модел. Схематик модел, сетевой модел. Математик модел. Моделни шакллантириш ва ўрганиш

2- амалий машғулот:

2-мавзу. Тизимли таҳлилда иқтисодий муаммони асосини шакллантириш ва ечиш

Режа

2.1. Тизимли таҳлил асосида ечиладиган муаммони аниқлаш. Объектнинг келгусини кўриш. Тизим компонентларини аниқлаш ва яхлитлигини (тизимлигини) абстракт усулида таъминлаш.

2.2. Муаммони ечиш технологияси (босқичлари) аниқлаш.

2.3. Муаммонинг тизимли таҳлил этиши

2.4. Муаммонинг модели ва уни адекватлигини аниқлаш

2.5. Тизимли таҳлил хulosса ва тавсиялари асосида қарор қабул қилиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиши

2.1. Тизимли таҳлил асосида ечиладиган муаммони аниқлаш. Объектнинг келгусини кўриш. Тизим компонентларини аниқлаш ва яхлитлигини (тизимлигини) абстракт усулида таъминлаш.

Амалий муаммоларни ҳал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш босқичлари. Муаммони танлаш. Муаммони қўйиш ва мураккаблик даражасини чеклаш. Мақсад ва вазифаларни иерархиясини ўрганиш. Вазифа ечиш йўлларини аниқлаш. Моделлаштириш. Стратегияни аниқлаш. Натижани амалиётга тадбиқ этиши.

2.2. Муаммони ечиш технологияси (босқичлари) аниқлаш.

Муаммони аниқлаш, ечиш учун мутахассислар олдига қўйиш. Объектнинг келгусини кўриш. Муаммони ечиш босқичларини аниқлаш. Муаммони ечиш.

2.3. Муаммонинг тизимли таҳлил этиши

Муаммога мос тизимли таҳлил методологиясини аниқлаш. Тизимни компонентларини тизим форматига мос абстракт жойлаштириш. Тизимли таҳлилни амалга ошириш.

2.4. Муаммонинг модели ва уни адекватлигини аниқлаш

Тизимли таҳлил асосида адекват модель яратиш, уни амалиётга тадбиқ этилишини мазмун моҳияти ва индикаторлар асосида текшириб кўриш.

2.5. Тизимли таҳлил хulosса ва тавсиялари асосида қарор қабул қилиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиши

Тизимли таҳлил хulosаси ва олинган натижалари асосида уни келгуси тенденцияларини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этиш қарорини қабул қилиш.

Кейс.

Ўзбекистонда пахтачилик индустрясини ривожлантириши.

Ўзбекистонда мева ва узум етишишида томчилатиб сугорииш технологияси “Заркент универсал” фермер хўжалиги модули мисолида

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	
2.	Кейс топшириқлари	1,5 балл	
	Жами	2,5 балл	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа

(How), Нима-натижা (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Намуна: Кейслар банкидаги маълумотларни ўрганиб, юқоридаги 4 босқичли технология асосида кейсни тизимли таҳлил қилинг ва ФСМУ технологияси асосида тақдимот тайёрланг.

“SWOT-таҳлил” методи.

Усулнинг мақсади: тингловчи муаммони ўрганишда назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Интенсив боғларнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Интенсив боғларнинг кучли томонлари	Сифатли ва юқори ҳосил беради
W	Интенсив боғларнинг кучсиз томонлари	Инвестиция харажатларини талаб қиласди
O	Интенсив боғларнинг имкониятлари	Экспортга маҳсулотни чиқариш
T	Интенсив боғларнинг тўсиқлари	Билим ва тажрибаларнинг етарли эмаслиги

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

-қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

-ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

Намуна: Иқтисодиётда тизимли таҳлил муаммони узоқни кўзлаб, комплекс ва интеграцион ҳолда ёндашуви натижасида самарали қарор қабул қилиш имкониятини беради.

Уйга вазифа: ФСМУ технологиясининг босқичлари асосида иловадаги кейсдан хусусий хулоса чиқаринг, мустақил ижодий таклиф беринг ва

тақдимотда кўрсатинг.



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

Тест

- **Иқтисодиёт тизимли таҳлил жараёнида**
А) Қарор қабул қилинади
Б) Қўлланма яратилади
С) Статистик тўплам яратилади
Д) Қарорларни қабул қилишга мўлжалланган тайёр маҳсулот тайёрланади.

Қиёсий таҳлил

- Интенсив боғлар ва амалдаги ананавий боғларни қиёсий таҳлил қилинг?

Тушунча таҳлили

- Тизимли таҳлилни изоҳланг...

Амалий кўникма

- Муаммони тизимли таҳлил форматига солинг ва таҳлил қилинг?

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Иқтисодиётда тизимли таҳлил фанининг предмети ва тушунчалари.

Режа:

1.1. Ўқув курсининг мақсад ва вазифалари.

1.2. Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг асосий тушунчалари.

1.3. Тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги.

Таянч иборалар: тизим, иқтисодий тизимлар, тизимли таҳлил тизимли таҳлил назарияси, методологияси, стратегик қарорлар.

1.1. Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари.

Иқтисодиётда тизимли таҳлил курсининг мақсади тингловчиларга тизимли таҳлилнинг назарияси, методологияси ва амалиёт асосларини ўргатиш, иқтисодиётда унинг методологисини қўллаш асосида узоқни кўзлаб стратегик қарорлар қабул қилишга (аналитик) хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиши билим ва кўнкимларини ривожлантиришdir.

Ўқув курси тингловчиларни

- иқтисодиётга тизимли ёндашув билимларини оширишга,
- муаммоларни тизим форматида қўриш ва баён этишга
- иқтисодиётни макро ва микро муаммоларини тизимли таҳлил форматида таҳлил этиш кўнкимларини шакллантиришга
- тизимли таҳлил асосида амалиётга тадбиқ этиладиган тавсия ва илмий хулосаларни яратишга қаратилган.

“Иқтисодиётнинг тушиниш қийин бўлган, келгусидаги кўп омилларнинг таъсирида ривожланиш тенденцияларини баён этиш мушкул бўлган муаммолари тизим форматида аниқ баён этилиши ва соддалаштирилган ҳолда ўтганилиши мумкин. Хозирги даврда иқтисодий муаммолар мураккаблашиб, унинг ечимида қўйилган камчиликлар тобора қимматга тушиб бормоқда. Шунинг учун иқтисодий обьектларни ўрганишда Системотехника асослари тизим ва унинг ҳәётий цикллари тушунчаларидан фойдаланилмоқда. “Системотехника асосида тадқиқот олиб бориш тизимни ечимини аниқлашни амалга ошириш ёки тизимни бошқа фазаларини тадқиқ этиб, пировардида худди шундай режага олиб келишдир. Бундай режаларни тузишда иқтисодий муаммолар жуда ҳам муҳимдир. Бу иқтисодий тизимнинг техник таҳлилини тадқиқ этишдир, булар маълум қизиқиш туғдиради. Бу тадқиқот – жуда ҳам қимматли ҳисобланади, агарда биз даставвал тизим доирасида унинг барча жараёнларини муҳокама қилсак. Системотехниканинг жуда муҳим фундамен тал тушунчаси шуки – унда барча имзимлар ҳәётий цикллар билар ўзоро боғланган. Улар бир қанча турга эга: бизда тизимни яратиш учун ҳәётий цикллар бор, ва бошқв ҳәётий цикл тизимдан фойдаланиш учун тузилган. Барча табиий тизимлар каби. Инсонлар томонидан яратилган тизимларда ҳәётий цикллар мавжуд. Умуман, ҳәётий цикл учта муҳим фазалардан ташкил топади: тизим учун талабларни аниқлаш, тизимни бевосита ривожланиши, ва тизимни операцион муҳитда кенгайиши. Буларнинг ҳар бири катта мифдордаги бир мунча кичик фазалар билан ифодаланган бўлиши мумкин..”¹

Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари **фанининг обьекти** иқтисодиётнинг мураккаб муаммолари, жараёнлари, ҳолатлари ва ривожланиш тенденцияларидир.

Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари **фанининг** предмети бўлиб **иқтисодий тизимлар**, уларнинг жараёнлари ва келгусида иқтисодий тизимларни самарали ривожланиш йўли **ҳисобланади**.

Ушбу модулнинг **асосий мақсади** тингловчиларга иқтисодиётда тизимли таҳлил технологияларининг назарий ва амалий асослари бўйича тингловчиларнинг билими, малака ва кўнилмаларини шакллантиришга кўмак беришдан иборатdir.

Юқоридаги мақсадга асосланган ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган:

- макро ва микроиқтисодиётда, ижтимоий соҳаларда, давлат ташкилотларининг фаолиятида фойдаланиладиган тизимлар, уларнинг тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асосларини ўрганиш;
- иқтисодиёт, ижтимоий соҳалар, муҳандислик-технология, бошқарув ва мамалакат ҳәётининг барча соҳаларини интеграллашган ва тизимли ҳолда ривожланишини олдиндан кўриш эрудициясини кенгайтириш;

¹ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. P 2.

- професионал фаолиятни самарадорлиги таъминлашда тизимли ёндашув ва тизимли таҳлилнинг имкониятларини очиб бериш;
- тизимли таҳлил технологияларини, методологиясини ва назарий асосларини тингловчиларга очиб бериш;
- иқтисодий тизимлар ва унинг компонентлари, уларнинг алоқадорлигини аниқлаш, тизим структураси ва декомпозицияси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;
- иқтисодий тизимлар ва унинг компонентлари, уларнинг алоқадорлигини аниқлаш, тизим структураси ва декомпозицияси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;
- иқтисодий тизим таҳлилидан илмий тадқиқотларда, инвестиция лойиҳалари ва корпоратив бошқарув тизимида фойдаланиш асосларини ўргатиш.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви, иқтисодиётда рақобатнинг кескинлашуви, интеграциялашувнинг кучайиб бориши, инновацион жараёнларнинг ҳал қилувчи кучга айланиши иқтисодий муаммоларни тизимли таҳлил обьектига айлантириб қўймоқда. Иқтисодий муаммолар ва уларни тизимли баён этишнинг илмий ва амалий аҳамияти ошиб бормоқда. Муаммони моҳиятини тизим форматида узоқни кўриб ёндашувни талаб этмоқда. Муаммони ечиш мезонлари ва устивор томонларини аниқлаш борасида Ўзбекистон иқтисодиётини 2030 йил ва ундан кейинги йилларда ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқилди.

Тизимли таҳлил аналитик тафаккур ва тизимли тафаккур билан боғлик билим ва кўникмаларни шакллантиришни талаб этади. Шунинг учун ҳам унинг назарий ва амалий асосларини англаш ва тушуниш чуқур билим, тажриба ва кўникмаларни эгаллашни талаб этади.

Бунинг учун тизим қонуниятлари, тизимнинг яхлитлиги ва компонентларини, уларнинг функционал ва статистик боғлиқларини, тизимни коммуни катив характеристи, иқтисодий тизим иерархияси каби масаларнини билиш зарур. Масалан “Системотехника – бошқариш технологияси бўлиб, режалаштириш, қарор қабул қилиш, биргалашиб харакат ва ресурсларни тақсимлашни кенгайти ришдир. Инженерлик тизимлар буни миқдорий ва сифат ифодалашлар, таҳлил ва баҳолашлар ва альтернатив харакатларни перспективада белгиланган, мижоз ларнинг перспектив қийматларда эҳтиёжларга таъсирини интерпретация қилиш орқали эришадилар. Системотехника – мос келувчи усуллар ва воситалар комбинацияси бўлиб, муносиб методология ва жараёнлар орқали бошқариш жараёнига фойдали йўналишларни аниқлаш имконини беради, улар реал ҳолатлардаги, кўпгина йирик масштаблардаги ва соҳалардаги масалаларни тўғри ечишга имкон беради”².

1.2.Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг асосий тушунчалари.

² Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. 3 бет.

Тизимли - аналитик фикрлаш иқтисодий жараёнларни қонуниятларини аниклаш ва уни бошқариш билан боғлиқ маҳсус фикрлаш туридир. Тизимли ёндашув бу методологиянинг бир қисми ва у тизимлар назариясига асосланади.

Тизимли фиклаш бу - муаммони тушиниш, тизим форматида кўриш, уни долзарблигини асослаш, муаммони сабаб ва оқибатларини англаш, қонуниятларини тушиниш ва ифодалаш, уни содда баён этиш, хисоб - китобларини асослашдир. Тизим эса унга биринчи даражали алоқадор тизим ости структуралардан (компонентлардан) иборат.

Тизим компонентлари мазмун моҳият ва рақамлар билан боғланган, улар ўлчанади, хисобланади, мазмун моҳияти билан боғланган ҳолда ривожланади.

Иқтисодиётдаги ҳар бир тизим бошқа тизимларга боғланган ва унинг ўзгариши бошқа тизимларга таъсир этади. Бутун жаҳон иқтисодиёти бир бирига боғланган ва таъсир этиб, ўзгариб туради. Жаҳоннинг узоқ мамлакатларида вужудга келган муаммо жаҳон иқтисодиётига ва унинг деярли ҳар бир мамлакатига маълум даражада таъсир этади. Агар жаҳон иқтисодиётини тизим десак, Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам алоҳида тизимдир. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам қатор тизимлар ва уларнинг тизим ости компонентлари мавжуд. Уларнинг ҳар бирида сон ва сифат боғликлари мавжуд.

Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг қуйидаги атрибуллари мавжуд:

1. Тизим ва тизимнинг таркиби, уларда жараёнларининг мавжудлиги
2. Тизимни аниклаш, тизимни таркибларини аниклаш, тизимнинг умумий ва хусусий жиҳатларини аниклаш
3. Тизимнинг моҳияти, қонунлари, муқобил вариантларини аниклаш
4. Тизимни ўрганиш учун унинг салоҳиятини, муаммосининг долзарблигини аниклаш, унинг тренди ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниклаш
5. Унинг атроф мухит билан алоқадорлигини аниклаш
6. Тизим хақида билимларни жамлаш, сақлаш, долзаблиги ва келгуси тенденцияларини тадқиқ этиш

№Системотехники мураккаб тизимлар ҳақида тушунча бўлиб уни шаклланиши, баҳолаш ва интерпретация қилиш тушунчалари аниклаб беради, уни ажралмас қисми ҳисобланади. Улар формал маънода шаклланиши ёки интуитив маънода амалга оширилиши мумкин. Улар тизим ва уни ҳисоблаш методологиясининг асосий таркиби бўлиб тизимни шаклланиши, таҳлили ва баҳолашларни интерпретация қилишни таъминлайди.

“Тизимни бошқариш ва интеграцияси муаммолари самарадорликни аниклашда, лойиҳалаштирилган тизимни тўлиқ функционаллиги таҳлилида муҳим аҳамият касб этади. Юқори даражада функционалликка эришиш учун, тизимни лойиҳалаштиришда юқори самарага эришиш учун ҳаётй циклларни барча фазаларини тўғри белгилаш керак. Бу ҳаётй цикл эҳтиёжларни тушуниб этиш билан бошланади, индентификация ва спецификация орқали тизим

талаблари ва архитектурасига, тизимни қатъий белгиланишига, эксплуатацияга тайёрлашга, баҳолашга ва хизмат кўрсатишга олиб келади.”³

Тизимни қонуниятлари қуидагилардан иборат

Иқтисодий тизимнинг яхлитлиги ва таркибий қисмлари, улар ўртасида сон- ва сифат алоқадорликнинг мавжудлиги. Алқадорлик қучли таъсир этувчи ва иккинчи даражали суст алоқадорлик бўлиши мумкин. Бу алоқадорлик ўлчаниши, хисобланиши ва кўрсаткичлари таққосланиши керак.

Иқтисодий тизимда иерархиянинг мавжуд. Иқтисодий тизимларнинг компонентлари иерархия қоидасига амал қиласди. Мисол учун Ўзбекистонда мева ва сабзавот тизими, қимматли экинлар кластери, улар ўртасида ги иқтисодий алоқадорлик мавжуд.

Иқтисодиётда тизимли таҳлил фани бошқа фанлар билан узвий алоқадор. Иқтисодиёт турли тармоқлар, худудлар, комплекслар шаклида қўриниб, у техника, технология, ижтиомий ва бошқа фанлар хulosалари билан уйғун ҳолда кўриб чиқиласди ва ривожланиш тенденциялари аниқланади. Тизимли таҳлил фанларнинг чукур интеграцияси ва хulosаси асосида маҳсулот беради. Маҳсулотлар жумласига иқтисодий ривожланиш концепциялари, кластер асосида корпоратив бизнес рақобатдошлигини ошириш режаси, янги инвестицион лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқариш кабилар кириши мумкин.

1.3. Тизимли таҳлилнинг ўзига хослиги.

Тизимли таҳлил фанлараро амалий ва илмий-амалий фандир. Авваллари тизимли таҳлилдан олдин 2-3 ва ундан ортиқ фанлар бирлашиб янги амалий фанлар вужудга келди. Мисол учун эконометрика, ахборот ва коммуникация технологиялари, биотехнология, нанотехнология ва бошқа фанларни мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Тизимли таҳлил эса уларданда кўпроқ фанлар ва илмий амалий методологияларни ўз ичига олади. Ўз навбатида у тизимнинг аналитик таҳлили, стратегик ёндашуви, барқарор ривожланиш талабларига жавоб бериши керак.

Тизимлар назарияси ва тизимли таҳлил каби фанлар ривожланиб боришда давом этмоқда. Тизим бир- бирига узвий боғланган компонентлар, уларда кечеётган жараёнларни ахборот коммуникация технологияларисиз кузатиш ва таҳлил қилиш мушкул. Шунинг учун тизимли таҳлил математик моделлаштиришнинг янги – янги усуllibарига боғлиқ. Тизим коппонентлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳаракатда бўлади, улар тизимда яхлитланади, марказлашади, уларнинг умумий ва хусусий томонлари аниқланади, ўзаро рақобатда бўлишлари инобатга олинади. Бу “Системотехника мураккаб тизимлар ҳақида тушунча бўлиб уни шаклланиши, баҳолаш ва интерпретация қилиш тушунчалари аниқлаб беради, уни ажралмас қисми ҳисобланади. Улар

³ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. p-5

формал маънода шаклланиши ёки интуитив маънода амалга оширилиши мумкин. Улар тизим ва уни ҳисоблаш методологиясининг асосий таркиби бўлиб тизимни шаклланиши, таҳлили ва баҳолашларни интерпретация қилишни таъминлайди.

Тизимни бошқариш ва интеграцияси муаммолари самарадорликни аниқлашда, лойиҳалаштирилган тизимни тўлиқ функционаллигини таҳлилида мухим аҳамият касб этади. Юқори даражада функционалликка эришиш учун, тизимни лойиҳалаштиришда юқори самарага эришиш учун ҳаётйи циклларни барча фазаларини тўғри белгилаш керак. Бу ҳаётйи цикл эҳтиёжларни тушуниб этиш билан бошланади, индентификация ва спецификация орқали тизим талаблари ва архитектурасига, тизимни қатъий белгиланишига, эксплуатацияга тайёрлашга, баҳолашга ва хизмат қўрсатишга олиб келади”⁴.

Тизимнинг шу каби ўзига хос хусусиятларидан, қонуниятларидан тизимли таҳлилнинг назарияси, методологияси ва амалиётга кириб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Тизимли таҳлил назарияси амалиётга яқин, кўплаб фанларни уйғунлаштирган, уларнинг хулосаларига ва методологиясига таянади.

Тизимли таҳлил назарияси қўйидагилардан ташкил топган:

Систематехника ва унинг иқтисодиёти (System engineering), планлаштириш, лойиҳалаштириш, баҳолаш, инсон машина тизимини яратиш.

Ишлаб чиқариш тадқиқоти(Operations system) барча ресурсларни (моддий, молиявий, меҳнат ресурслари, техника ва технология) самарали, илмий асосланган ҳолда башқариш

Инженерлик психологияси (Human engineering) машина ва инсон ресурсларининг бир бирига ижобий ҳолда боғлиқликда минимум харажатлар билан амалга ошириш ва қўзланган мақсадга эришиш.

Тизимни қўйидаги фанлар ўрганади

Тизимлар назарияси (системалогия) – иқтисодий тизимларларнинг назарий асослари, усуллари, тушунчаларини ўрганади (ахборотлар назарияси, эҳтимоллар назарияси, ишбилармонлик ўйинлар назарияси).

Тизимли таҳлил тизимлар методологияси, тизимлар тадқиқотининг назарий ва амалий асосларини ўрганади (математик статистика, ишлаб чиқариш илмий тадқиқоти, дастурлаштириш).

Систематехника лойиҳалаштириш амалиёти ва технологияси, тизимлар тадқиқоти. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уни тизимли таҳлил этиш, лойиҳани бошқариш ва лойиҳа натижаларига эришиш.

Ўзбекистонда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг хозирги даврдаги ҳолатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аналитик таҳлилий бошқармалари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Хозирда Вазирлар Маҳкамаси маълум тизимлар асосида аналитик таҳлилий фаолият олиб бориб, тегишли қарорлар учун асос яратади. Аввалги тизим тармоқлар ва

⁴ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. 7 бет.

худудлар кўламида фаолият олиб борган. Эндиликда тармоқлар ва худудлар билан бирга комплекслар(мажмуалар) доирасида узоқни кўзлабаналитик таҳлил ва тизимли таҳлил форматида фаолият ташкил этилган.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий муаммоларни тизимга солишдан кутиладиган наф нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларида тизитмли таҳлилни қўллашнинг ҳолатига ўз фикрингизни билдиринг?
3. Тизимли таҳлилни ўрганишдан мақсад нима?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, April 2011.
2. Paul. J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of System Analysis and Decision Making/ Publisher: Willey. 1 edition (march 2004). Paper back: 412 pages.

2-мавзу: Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг ёндашувлари.

Режа:

- 2.1. Тизимли ёндашувнинг келиб чиқиши ва ривожланиши.**
- 2.2. Тизимни таҳлил этишдаги асосий ёндашувлар.**
- 2.3. Тизимли ёндашув принциплари.**
- 2.4. Тизимли ёндашув турлари.**
- 2.5. Тизимли ёндашув ўрганадиган муаммолар.**
- 2.6. Иқтисодий илмий-тадқиқотлар ва бошқарув қарорларини қабул қилишда тизимли ёндашувларидан фойдаланиш(ақлий хужум).**

Таянч иборалар: тизимли ёндашувлар, иқтисодий тизимларга ёндашувлар, иқтисодий тизимларни таҳлили, тизимли таҳлил принциплари, тизимли ёндашув ўрганадиган муаммолар.

2.1. Тизимли ёндашувнинг келиб чиқиши ва ривожланиши.

“Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишининг 2015 йилги якунлари ва иқтисодий дастурнинг 2016 йилги асосий устивор йўналишлари” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда ислоҳатларни тизимли равишда, узоқни кўзлаб олиб бориш керак, муаммоларга комплекс ва интеграллашган ҳолда ёндашиши кераклигини ўтди. Ўзбекистонда 2020, 2025 ва 2030 йилларга мўлжалланган мақсадли ривожланиш дастурлари яратилган. Хусусан 2030 йилга бориб Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни камида 2 баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу дастурлар узоқни кўзлаб, чуқур тизимли таҳлил натижасида ишлаб чиқилган. Унда барча ривожланиш учун асослар, ресурслар, иқтисодий салоҳият таҳлил этилган. Бундай тизимли ёндашув ва унинг илмий методологияси аста- секин ривожланиб, шаклланиб келган.

Маълумки инсоният муаммога тизимли ёндашиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилишни эволюцион босқичларидан ўтиб борган:

- 19 асргача. (қарама қаршилик)**

1. Табиатни фаол ўрганиш
2. Табиий кучларнинг устиворлиги

- 19 асрда. (ўзаро алоқадорликни тушиниш)**

1. Тутун ва газлар билан табиатни заҳарлаш
2. Ресурсларни чекланганлиги

- 20 аср бошларида(тизимни тушиниш)**

1. Жамият ва табиатни алоқадорлиги англаш
2. Табиий баланс (мувозанатни сақлаш)

А. ТАБИЙ- ИЖТИМОИЙ ШАРТ ШАРОИТЛАР

1. Табиий- ижтимоий ва табиат ва жамиатнинг узвий боғлиқлигини аниқлаш

2. Муаммоларни комплекслигини тушуниш

Масалан инвестиция лойиҳаларининг мураккаблиги тушиниш. Бунинг учун Устурт газ-кимё лойиҳасини, унинг кўламини ва 5 миллиарддан ортиқ инвестицияни киритилишини эслаб ўтиш кифоя.

Б. ТЕХНОЛОГИК

1. ТЕХНОЛОГИЯ ВА ФАННИНГ ТЕЗЛИК БИЛАН ЎЗГАРИШИ (loyihalarни амалга ошириш бошланмасдан технологияларни эскириб қолиши)

2. ЭКОЛОГИК КАТАСТРОФАЛАР (технологияларнинг эскириб қолиши, тизимли ёндашувнинг талабларига мос келмаслик). РОҒУН 2 ГЭСмуаммоси.

3.ХАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ (Иситиш тизимини оптималлаштириш, Япония тажрибаси)

4.ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТЕЗЛАШТИРИЛИШИ (Ахборот коммуникация технологиялар)

Тор ихтисослаштиришнинг камчилигини олдини олиш (Тойота компаниясида 4 минг ҳилдан ортиқавтомобил моделлари мавжуд. Жаҳон бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда таклиф этилади. Компаниянинг диверсификация стратегияси ва уни амалдаги натижаси - 2015 йилда дунёдаги энг кўп автомобил сотган компанияга айланди.

Фанлараро алоқаларнинг кенгайиши ва тадқиқот марказларида фанларнинг интеграцияси негизи асосида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. (Центры междисциплинарных исследований Университетов). Бунинг натижасида дунёда янги трендлар ва тенденциялар аниқланади. Био маҳсулотлар бозори, муқобил энергетика тизими, транспортларнинг янги концепциялари ва уларни амалга оширилишини эслаб ўтиш кифоя.

Дунёни узоқ муддатда комплекс кўриш зарурати.

“Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишининг 2015 йилги якунлари ва иқтисодий дастурнинг 2016 йилги асосий устивор йўналишлари” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasi Ўзбекистонда ЯИМ 2030 йилга бориб камида 2 марта ўсади ва бунинг учун бизда барча асослар бор. Жумладан хом ашёларни 2-3 босқичларда чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат яратувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналар нинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга катта эътибор берилиши кўрсатиб ўтилган.

Шунинг учун ҳар қандай жараёнда “фақат системотехника тадқиқот усувларини қўллаш ва улардан потенциал фойдаланиш, системотехника жараёнларини тўлиқ тушунмасдан эътиборга лойиқ тизимларни ишлаб чиқиши қўллаб қувватлаш, қониқарсиз натижаларга олиб келиши мумкин. Системотехниканинг таркиби, расмий нуқтаи назардан, ҳеч бўлмаганида учта фундаментал қадамлардан ташкил топади: муаммони ифодалаш, муаммони таҳлил қилиш, ва муаммони интерпретация қилишлардан. Улар танланган ҳар бир ҳаётий циклнинг ҳар бир фазаси бўйича олиб борилади, этапма – этап

амалга ошириш учун ҳаётй циклнингасосий харакат йўналиши аниқланади, ривожланиши белгилади ва кенгайтирилиши қўзда тутилади.”⁵

Тизимли ёндашувни ривожланиш тенденцияларини кузатадиган бўлсак, маълумки **XX аср ўрталарида** тадқиқотчилар муаммоларни аниқ ва танқидий баҳолашни ҳамда унинг ечимини бериши керак эди. Масалан: Капитал маблағларни сарфланиши, самарадорлиги ва унинг ечимини бериши керак эди.

Хозирги даврда капитал маблағларни самарадорлиги билан бирга:

технология таҳлили, экология таҳлили, институционал таҳлил, иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил, рисклар (хатарлар) ва уларни бошқариш каби масалаларга тизимли ёндашув талаб этилмоқда.

Авваллари аҳамиятсиз деган саволларни муаммони ечимиға катта таъсирини англаш (ичимлик сув билан таъминланиш, глобал исиш) муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Буни инвестиция лойиҳалари ва дастурлари мисолида яққол қўриш мумкин.

2.2. Тизимни таҳлил этишдаги асосий ёндашувлари

Тизимли таҳлил қилишда, тизимни анализ - синтезида ва моделлаштиришда 2 хил ёндашувлар мавжуд:

1. Расмий ёндашув (турли мураккабликдаги математик ёндашувлар, оддий нисбатдан мураккаб моделларгача). Бу айниқса макроиқтсодӣ тизимларда, корпоратив бошқарув рақобатдошлигини оширишда кенг қўлланилади.

2. Мазмун моҳиятли ёндашув (тушанчалар, гоя ва концепциялар). Бизнесда (жумладан кичик бизнес корхоналарининг рақобатдошлигини кластер тизимида экспорт салоҳиятини оширишда) кенг қўлланилиши мумкин. Инвестиция лойиҳаларида 2 ёндашувнинг аҳамияти айниқса катта.

Гоя: Келгусида автомобиллар ўзи бошқарилади, авариялар умуман бўлмайди... Бу гоя хозирда амалга ошмоқда. Бу ғоянинг асисида автомобилларга янги авлод ахборот коммуникация тизимларини қўллаш, янги транспорт йўлларини ташкил этиш, янги бошқарув тизимини яратиш каби янгича ёндашувлар тизимини қўриш мумкин.

Комплекс ёндашув(ички ва ташқи омиллар, барча таъсир этувчи факторлар). Юқоридаги мисолда комплекс ёндашувни тушиниш қийин эмас.

Интерграллашган ёндашув(вертикал ва горизонтар ҳолдаги тизимнинг компонентларини ва омилларни ўрганилади ҳамда бутун хаёт цикли форматида муаммо ўрганилади).

Ситуацияда холатдан келиб чиқиб ёндашув(вокеалик аниқ ситуацияси эътиборга олинади). Холатнинг кескин ўзгариши билан таҳлил ва қарор қабул қилиш янгича мазмун моҳиятга эга бўлади.

Инновацион ёндашув(ташқи ва ички ўзгаришлар тез ўзгаради ва уларнинг ўзгаришага мос янгиланиш). Инновацион ёндашувда янги кашфиётлар, технологиялар ва лойиҳалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши

⁵ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse. 420 pages, Aprile 2011. p-9.

назарда тутилади. Инновацион технологияни патент билан ҳимоялаган корхона бозорда қонуний монополист бўлиши мумкин.

Меъёрий (норматив) ёндашув – тадқиқотлар нормативларга ва стандартларга нисбатан олиб борилади. Иқтисодиётда, технологияда, хуқуқда ва бошқа соҳаларда қабул қилинган меъёрларга тизимли таҳлилда амал қилинади.

Ҳар бир ходимнинг ижодий қобилиятини рўёбга чиқариш ва амалга ошириш учун унинг хулқи ва харакатини мувофиқлаштирувчи ёндашувга асосланилади. Мисол учун машхур брендга ва тарихга эга корхоналарда бу ёндашувнинг таъсирини аниқ кўриш мумкин. Маданий ва професионал муносибатлар бундай ёндашувда юқори даражада бўлади.

2.3. Тизимли ёндашув принциплари (тамойиллари)

Тизимли таҳлилда ҳар қандай илмий тадқиқотнинг методологияси ва фаолият тури БУТУН ва МУРАККАБ форматда олиб ўганилади.

М: Йирик халқаро аэропортларни БУТУН ва мураккаб объект ва фаолият тури деб қараш мумкин. Дунёда бир неча компаниялар аэропорт биноларини қура олади....

Иқтисодиётда тизимли таҳлилнинг принциплари қуйдагилардан иборат:

1. **Яхлит бирликда** бутун тизимни кўриш ва унинг ҳар бир қисмини билиш.
2. **Ривожланиш** (ташқи ва ички омилларни ривожланишга таъсирини билиш).
3. **Глобал мақсадлар** (М: Лойиҳа миллий манфатларга мос келиши ва халқаро стандартларга жавоб бериши).
4. **Иерархия** (Тизимнинг барча қисмларида бор).
5. **Ноаниқлик** (М. Инвестиция лойиҳаларида ноаниқлик оқибатда рискларга олиб келади)
6. **Ташкил этиш** (Хулоса ва қарорларни амалга ошириш учун харакатни ташкил этиш керак)

Тизимли ёндашув аввалги таҳлил усуллари ва ёндашувлардан қуйидаги жихатлари билан фарқ қиласди:

- Тизимли яхлитлик механизмини аниқлаш
- Тизимдаги алоқалар типини аниқлаш
- Аниқланган алоқаларни ягона назарий асосланган тизимда умумлаштириш
- Алоқаларни гурӯхларга ажратиб қиёслаш ва таққослаш

Тизимли таҳлилдан фойдаланиш зарур бўладиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- **Мураккаб ва тушиниш қийин объектни** хар томонлама ва комплекс ўрганишда
- Тизимлар назарияси доирасидаги **концепцияга** асосланган тизимни таҳлил қилишда
- **Стратегик планлаштиришда** ва
- **Концепция** ишлаб чиқишида (мисол учун инвестиция лойиҳаси концепцияси).

2.4. Тизимли ёндашув турлари

Тизимли ёндашувнинг асосий қўринишлари қуўйидагилардан иборат:

- Тизимли **генетик** ёндашув
- Тизимли **информациян** ёндашув
- Тизимли **коммуникатив** ёндашув
- Тизимли **таркибий** ёндашув
- Тизимли **бошқарув** ёндашув
- Тизимли **функционал** ёндашув
- Тизимли **интеграллашган** ёндашув

2.5. Тизимли ёндашув ўрганадиган муаммолар

Давлат бошқарув соҳасидаги муаммолар. Республика, вилоят, туман ва тармоқ миқёсидаги иқтисодий муаммолар. Ҳар бир туман ва вилоятнинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Бу муаммолар шу вилоят ва туманнинг хусусиятларидан келиб чиқсан холда узокни кўзлаб ишлаб чиқилиши керак. Бунда “Иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи фирмалар ва истеъмолчиларнинг бозордаги микроиқтисодий муаммолар ни тўғри таҳлил ва баҳоламай альтернатив лойиҳаларни устун йўналишларини аниқлаш қийин бўлади. Бунда медодологиядан фойдаланиш учун бизда ушбу масалалага мос келувчи усуллар тўплами бўлиши керак. Умуман, улар кўпгина фанларнинг сифат ва миқдорий ёндошишларини ўз ичига олади, муаммо ва харакатларни этапма этап ифодалайди, таҳлил ва интерпретация қиласди, ривожланиш йўналишини аниқлаш билан бирга кенгайиш имкониятларини ҳам белгилаб беради.”⁶

Корхоналарни стратегик комплекс ривожланиш муаммолари. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари. Ижтимоий-иқтисодий муаммларни тизимли таҳлил асосида ўрганиб чиқиш. Миқдорий кўрсаткичлар ёрдамида акс этадиган муаммолар ва уларнинг хусусиятлари. Муаммода аниқлилик, бошқарувчанлик, яқдиллилик, келишувчанлик, тенглилик, бир типлилик. “Мураккаб иқтисодий жараёнларда фойдаланаётган усулларнинг мослашувчанлиги системотехника ва бошқаришнинг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Мураккаб тизимни ифодаловчи ҳар бир қадам ва фазалар системотехниканинг харакатларни қучайтиришга қаратилган энг муҳим компоненталаридан ҳисобланади ва уларни ҳисобга олмаслик ёки эътиборсизлик режани бажарилмаслик рискига олиб келиши мумкин.”

⁶ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse. 420 pages, Aprile 2011. p-14.

Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлилнинг келиб чиқиши ва уни иқтисодиётда қўлланиши бир вақтга тўғри келадими
2. Тизимли таҳлилнинг аосий ёндашувларини тушинтириб беринг?
3. Тизимли таҳлил принципларининг мазмуни ва моҳиятини ўз тажрибангизда қандай қўллай оласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Paul. J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of System Analysis and Decision Making/ Publisher: Willey. 1 edition (march 1994). Paper back: 412 pages.
2. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse. 420 pages, April 2011.
3. www.imf.org
4. www.worldbank.org

3-мавзу: Иқтисодиётда тизимли таҳлил структураси ва принциплари.

Режа:

3.1. Тизимнинг ички таркиби ва алоқалари. Тизимни ташқи олам билан алоқалари

3.2. Тизимлар классификацияси

3.3. Тизимли таҳлил принциплари

3.4. Тизимли таҳлил структураси

Таянч иборалар: тизим алоқалари, алоқа гурухлари, устивор алоқалар, тизимлар классификацияси, тизимли таҳлил принциплари, тизимли таҳлил структураси, компонентлар.

3.1. Тизимнининг ички таркиби ва алоқалари. Тизимни ташқи олам билан алоқалари.

Тизимли ёндашувнинг йўналишларидан бири тизимли таҳлилдир. Тизимли таҳлил иқтисодиётнинг мураккаб ва келгуси даврда тизимнинг тараққиёти билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Тизимли таҳлил тор маънода - қарор қабул қилиш методологиясидир.

Тизимли таҳлил кенг маънода эса – умумий тизимлар назарияси, тизимли ёндашув, тизимни асослаш усуслари ва қарор қабул қилишнинг синтезидир

Тизимли таҳлилнинг моҳияти – мураккаб масала ечимининг муқобил варианtlари ичидан самарали (оптимал) вариантини танлаб олишдир. Ҳар бир муқобил вариант-узоқ муддатни кўзлаб баҳоланади.

Тизимли таҳлил шундай методологиядирки у мураккаб масалани чуқур таҳлил этиш, англаш ва тартиблаш асосида самарали ечимини беради. Ундан аввало *стратегик қарорлар* қабул қилиша фойдаланилади.

Иқтисодиётда кўплаб стратегик режалар, иқтисодиётнинг у ёки бу мазмундаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга тўғри келади. Айниқса йирик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишида аввало лойиҳа концепциялари ишлаб чиқилади. Лойиҳани концепциясини ишлаб чиқиш учун унинг тизими, унинг компонентлари, ҳар бир компонентнинг умумий тизимдаги роли ва ўрнини, унинг асосий омилларини, иқтисодиёт, технология, табиат тизимларининг мувозанатини ва шу каби аниқ маълумотларни жамлаш ва тизимли таҳлил этиш зарур бўлади. Тизимли таҳлил асосида “системотехника – инсонларни бир мақсадга бирлаштириб, кўзланган мақсадга эришишга қаратилган турли қадамлари ва харакатларини тушуниб этиш, бунинг учун муносиб аналитиклар, эксперталар ва бошқа иштироқчиларни танлашга қаратилган жараёндир. Масалан, фирма назариясини ифодаловчи фундаментал гипотеза таъкидлайдики, ҳар қандай фирманинг мақсади максимал фойда олишга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун фирма ишлаб чиқариш харажатларини билиши керак. Бу харажатлар фирмада фаолият олиб бораётган бозор ҳолатидан боғлиқ бўлади.”⁷

⁷ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. p-17.

Тизимли таҳлил мураккаб масала бўлиб, унинг муаммоларини ўзаро боғлиқ. Тизим қисмлар жамламасига бўлиб, оддийлаштириб кўрсатишида **декомпозиция** қилинади. Шундай қилиб тизимли таҳлил мураккаб масалаларни алоҳида қисмларга декомпозиция қилади ва таҳлил қилишга осонлаштиради.

Иқтисодий объектни тизимлигини белгилаб берувчи хусусиятлардан бири **тизимни бир бутунлилик ва тизим элементлари (компонентлари)дан ташкил топганлигидир**. Тизимнинг компонентлари ўзаро ички ва ташки алоқада бўлади. Алоқалар бирламчи ва иккиласмчи даражада бўлади. Шу билан бирга тизим қабул қилувчи элементлар ва тизимга кирмайдиган элементлар мавжуд.

Демак иқтисодий тизим яхлит ва унинг компонентлари мавжуд. Мисол учун жаҳон иқтисодиёти яхлит тизимдир. Унинг мамлакатлари эса яна алоҳида олинган тизимлардир. Мамлакатлар иқтисодийтида эса янада бошқа тизимлар ўзаро боғлиқда ривожланишда бўлади.

Дунёнинг ўрта ва йирик мамлакатлари жаҳон иқтисодиётига катта таъсир этади. Агар улартизимга солинган форматда фаолият олиб борса уларнинг тизим доирасидаги таъсири кучли бўлади. Жаҳон молиявий иқтисодий инқизози бир ёки бир неча мамлакатларнинг инқизози таъсиридан келиб чиқиши мумкинлигини 2008 – 2015 йилларда давом этиб келаётган молиявий-иктисодий инқизоз тасдиқлаб турибди. Мисол учун нефт нархининг кескин тушиб кетиши натижасида Яқин шарқдаги нефт экспорт қилувчи мамлакатларнинг мамлакат бюджетига тушимлари 2015 йилда 350 миллиард доллардан ошган.

Тизим ости элементлар. Жаҳон иқтисодиёти яхлит тизим бўлса, унинг худудлардаги тизимлари (мисол учун Шимолий Америка иқтисодиёти, АСЕАН, Фарбий Европа иқтисодиёти) тизим ости элементлардир. Алоҳида олинган мамлакатлар яна тизим ости элементлар бўлиши мумкин. Бу ҳолда тизим обьектини белгиловчи элементлар географик жойлашганлик, иқтисодиётнинг ихтисосланганлиги, иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари бўлиши мумкин.

Бу иқтисодий тизимларда бирламчи даражали (асосий кўрсаткичлар ва омиллар билан) **қонуний алоқадорликда** ва боғлиқлик мавжуд. Бу боғлиқлик тўғридан - тўғри боғлиқлик, тўғри ва аксинча боғлиқлик, ахборот асосли боғлиқлик каби кўришишларда бўлиши мумкин. Тизим компонентлари орасида алоқадорлик ташки алоқадорликка қараганда кучлироқ бўлади. Акс ҳолда тизимни шакллантириш мумкин бўлмай қолади. Бунда “икроиктисодий моделлар “идеал” бозор тизимининг вазифаси ва самарасини тушуниб етишни таъминлайди ва лойиҳалаштирилган альтернатив сиёсатни баҳолаш ёки иқтисодий шароитларни ўзгартириш имконини беради. Улар бозор бозорнинг асосий иштирокчилари бўлган истеъмолчиларнинг афзалликларини, фирмаларнинг технологияларини, ишлаб чиқаришга кириб келаётган турли ресурсларнингэркин харидини таҳлил қилишда фойдаланишлари мумкин бўлади.”⁸

⁸ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. p-19.

Иқтисодий тизимни шакллантиришнинг яна бир хусусияти уни ***ташкилий*** (***тизимни ташкил этиши мумкинлиги***) хусусиятидир.

Тизимни ташкил этиш учун унинг алоқадорлигини тартиблаш, мазмун моҳиятини ва устивор уйғунликда ривожланишини ташкил этишдир.

Иқтисодий тизимнинг яна бир хусусияти уни интеграцион сифат кўрсаткичлари билан боғлиқлигидир. Бундай сифат кўрсаткичи унинг олоҳида олинган компонентларида бўлмайди ва бутун тизимга тегишли бўлади. Мисол учун Ўзбекистон пул - кредит тизими яхлит тизим бўлиб, олоҳида олинган банк бу тизимни барча кўрсаткичларига тўла эга эмас.

“Жамиятнинг асосини ташкил этувчи турли-туман тизимларнинг яратиш ва бошқаришдаги фундаментал муаммолардан бири уларни зарур телекоммуникация воситалари ва ахборот таъминоти бўлиб қолмоқда. Бу тизимлар ҳаётимизни турли томонларини шакллаштиришда муҳим рол ўйнайди. Бунинг учун микроиктисодий тизимларнинг классик ва замонавий таҳлилининг тамойилла ридан фойдаланиш зарур. Бу тамойиллар турли соҳаларга тегишли тизимларни, машина ва инсонларни ташкил этиш ва самарали бошқаришда энг асосий воситалар бўлиб хизмат қиласди.”⁹

3.2. Тизимлар классификацияси

Тизимларни турига, мазмун-моҳиятига ва бошқа тегишли критерияларига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Физик тизимлар.
- Абстракт тизимлар.
- Марказлашган тизимлар.
- Номарказлашган тизимлар.
- Табиий тизимлар.
- Инсон –машина тизимлари.
- Иқтисодий тизимлар

Тизимлар ўртасидаги функцияли боғлиқлик – биринчи даражали боғлиқлик дейилади.

Тизимлар ўртасидаги иккинчи даражали боғлиқлик- қўшимча асосланган боғлиқлик дейилади. Иккинча даражали боғлиқлик асосланиб тизимга киритилса, тизимнинг сифатини янада яхшиланади. Мисол учун автомобильнинг мотор тизими яхши ишлашида бензин биринчи даражали боғлиқка эга. **Бироқ бензинга биоэтанолни (5%) қўшилиши** эса атроф муҳитга чиқаётган ис гази ва оғир металларнинг чиқиндисини камайтиради. Бу иккинчи даражали боғлиқликдир.

Иқтисодиётни юқори суратларда ўсиши тизимнинг яхши хусусияти. Лекин унинг барқарор ўсиши ва биотехнологиялар ҳамда биомахсулотлар ишлаб чиқариш асосида ривожланиши унданда самаралидир. Шунинг учун жаҳон

⁹ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. p-2.

иқтисодиётида охирги йилларда биомаҳсулотлар ва барқарор ривожланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнга Ўзбекистонда ҳам катта эътибор этилмоқда.

3.3. Тизимли таҳлил принциплари.

Тизимли таҳлилнинг умумий ва хусусий принциплари мавжуд. Тизимли таҳлилнинг умумий принципларига:

- Дедуктив изчиллик принципи.
- Интегратив кўриб чиқиш принципи.
- Долзарблилик принципи.
- Конфликтсизлик принципилари киради.

Иқтисодий муаммоларни тизимли таҳлил этишда муаммони изчиллик билан чуқур ўрганиб, унга таъсир этадиган омилларни аниқлаб, тизимни келгусида ривожланиши юқоридаги умумий принципларга асосланади.

Тизимли таҳлилнинг хусусий принципларига қуйидаги принциплар киради:

- Иқтисдиётда узоқни (келгуси тараққиётни) кўриш.
- Якуний мақсад.
 - Ўлчаш принципи.
 - Эквивалентлилик.
 - Модуль тузилиши.
 - Иерархия.
 - Функционаллик.
 - Ривожланиш.
 - Номарказлаштириш.
 - Ноаниқлик принципи.

Тизимни таҳлил қилишдан олинадиган якуний натижа (маҳсулот) нима эканлиги олдиндан яхши англаш лозим. Мисол учун таҳлилдан кутиладиган натижа тизимни келгусида ривожланиш концепциясини яратиш бўлиши мумкин. Шунинг учун уни тизимли таҳлил этишда тизимли таҳлил принциплари асосида амалга оширилади.

3.4. Тизимли таҳлил структураси

Тизимли таҳлил структураси қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Тизимни Декомпозициялаш. Бунинг учун тизимни муҳитдан ажратиб олиш, таъсир этувчи омилларни аниқлаш, рақамларда ўлчаш/хисоблаш, ҳар бир компонент алоҳида ва тизим форматида таҳлил этилади. Сўнгра ривожланиш тенденцияларини ва ноаниқликларни аниқлаб, рақамларда ўлчанади, мазмун моҳияти таҳлил этилади.

2. Тизимли таҳлил босқичи. Таҳлил обьектини келиб чиқиши, ривожланиш сабаблари, тенденциялари таҳлил этилади. Тизимни функционал таҳлили, генетик таҳлили, умумийлик ва хусусийлик таҳлили, морфологик таҳлили, кўп омилли таҳлиллар тизимнинг мазмуни ва кутилаётган натижага боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Таҳлилнинг энг асосий қисми самарадорликни

таҳлили хисобланади. Таҳлилнинг мақсадига ва кутилаётган натижасига боғлиқ ҳолда таҳлининг турли усуллари, ёндашувлари танланади. Жумладан иқтисодий математик моделлар, хусусан кўп омилли математик моделлар таҳлилда қўл келади. Умуман олганда корхона бизнесининг келгуси ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида моделлаштирилади. Буни инвестиция ва унинг келгуси лойиҳаси модели, уни прогнозлари мисолида кўриш мумкин.

Синтез босқичи. Тизимли таҳлил асосида тизимни адекват модели яратилади. Моделни адекватлиги ҳар томонлама текшириб кўрилади ва ишонч ҳосил қилиниши керак. Моделни мазмун моҳияти айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу босқичда муаммони ечувчи тизим параметрлари синтез қилинади. Синтез қилинган тизимни баҳоловчи вариантларни аниқланади. Тизимни вариантлар бўйича баҳоланади.

Назорат саволлари:

1. Тизим ва унинг таркибий алоқадорлиги қандай тушунасиз?
2. Тизимли таҳлилнинг хусусий принципларига нималар киради?
3. Тизимли таҳлилнинг синтез босқичида қандий ишлар амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Paul. J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of System Analysis and Decision Making/ Publisher: Willey. 1 edition (march 1994). Paper back: 412 pages.
2. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse. 420 pages, April 2011.
3. www.imf.org
4. www.worldbank.org

4-мавзу: Тизимли таҳлил методологияси. Иқтисодий муаммолар ва уларни тизимлари Режа

4.1. Тизимли таҳлил усуллари ва методологияси.

4.2. Тизимли таҳлилда меъёрларни шакллантириш, комплекс муаммоларни ўрганиб ечиш

4.3. Ижтимоий - иқтисодий муаммолар ва уларнинг тизимлари

Таянч иборалар: тизимли таҳлил методологияси, комплекс муаммолар, муаммони долзарблиги, методологияга таркиби, методологиянинг илмийлиги, методологияни келгусида қўллаш.

4.1. Тизимли таҳлил усуллари ва методологияси

Илмий тадқиқот методологияси - илмий тадқиқотни ташкил этишининг умумий қўриниши бўлиб, унда илмий тафаккурнинг принциплари, усуллари, шунингдек илмий тадқиқотни хаққонийлигини текширилади ва келгуси даврга уни тадбиқ этилади (интерпритация) қилинади.

Методология ўз таркибига қўйидаги элементларни олади.

1. Муаммони аниқлаш, уни ечиш учун киришиш (долзарблиги)
2. Илмий- тадқиқотнинг предмети
3. Муаммони илмий назариясинияратиш
4. Назариянинг хаққонийлигини амалиётда (мазмун моҳиятини) текшириш
5. Яратилган назаридан бошқа назарияларни яратишда фойдаланиш
6. Олинган натижаларнинг (келгуси қарор ва тавсияномаларда) интерпритацияси ва
7. Қарор қабул қилиш

Тизимли таҳлилнинг объектларига мисоллар қўйида келтирилган:

Иқтисодиёт - мамлакатнинг социал-иқтисодий ҳолати, худудларни комплекс ривожланиш стратегияси, корхонанинг иқтисодий ривожланиш стратегияси ва ҳакозо. Шунингдек тизимли таҳлил объектлари бўлиши мумкин:

- Харбий-сиёсий ҳолат;
- Социал қатлам ва сиёсий институтларнинг ҳолати;
- Алоҳида корпоратив бизнес фаолияти ;
- Қайсиdir соҳанинг қандайдир муаммоли вазияти (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа);
- Худудий зиддиятлар ва муаммолар

Тизимли таҳлил усули бу: илмий-тадқиқотда қўлланиладиган барча восита ва услубларнинг йиғиндисидир.

Меъёрлаш (норматив - техник хужжатлар, стандартлар, жумладан амортизация ажратмаси меъёри),

Таҳлил методининг моҳияти -тадқиқот объектини фикран ёки жисман таркибий қисмларга ажратишдан иборатdir. Бу ҳолда объектнинг алоҳида элементлари моҳияти, уларнинг алоқалари ва ўзаро харакатлари ўрганилади.

Тизимли таҳлилнинг асосий усулларига қўйидагилар киради.

• **Генетик усул/метод** бу-жараёнлар ва воқеаларни уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш, тадқиқ қилиш усуллари.

• **Адаптив метод** - олдин қабул қилинган қарорга ўхшаш қарор қабул қилинади

• **Омиллар таҳлили** (Факторный анализ) – объектга омилларнинг таъсирини таҳлили. Масалан экспортни рағбатлантириш учун таъсир этадиган омиллар, уларнинг биринчи даражали омиллари.

• **Дельфи усули** — ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-техник муаммоларни тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган усулидир. Стратегик менежментда, бизнес стратегиясини ишлаб чиқишида, инвестиция ва маркетинг стратегияларида қўлланилиши мумкин.

• **Гурухий эксперт баҳолаш**, бу усулниккита катта тоифага – бевосита ва билвосита тоифаларга бўлиниши мумкин.

• **Морфологик усул.**

• **“Мақсадлар дарахти”**

• **Ақлий хужум**

• **Экспримент**

• **Кластерлар**

Юқоридаги усуллар бир қанча фанларда, хусусан иқтисодиёт, бизнес, педагогика ва техник фанларда кенг ҳам қўлланилади

Тизимли таҳлилда биринчи набатда муаммони аниқланади ва унинг келиб чиқиши сабаблари диагностика (ташхиз) қилинади. Диагностика муаммони келиб чиқиш симптомларини, сабаб ва оқибатларини, муаммони илдизини аниқлаш имконини беради.

Шунингдек хронологик таҳлил (объектнинг тарихи, ривожланиш босқичлари), ретроспектив таҳлил (турли босқичлардаги ривожланиш), фрагмент-танлов таҳлили (муаммони қайсиdir бирини таҳлили) усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу усуллар фанлараро фан (ёки амалий фан) бўлмиш тизимли таҳлилда муаммога мос методологияни яратишида қўлланилади.

“Киймат ва самарадорликни ва харажат ва фойдани таҳлил қилишдан мақсад шундан иборатки, баҳолаш жараёнларини ва харажат ва фойда таҳлилини тўғрилини таъминлаш, уларни харакатларнинг альтернатив режалари билан биргаликда олиб бориш, тўлиқ таҳлил ва баҳолашларни амалга оширишдир. Кўп ҳолларда таклиф қилинаётган характ режаларининг натижасини баҳолашнинг, абсолют иқтисодий баҳони, имкони бўлмай қолмоқда. Бундай ҳолларда фойда ибораси самарадорлик ибораси билан алмаштирилмоқда ва биз рентабеллик таҳлили ва баҳоси ўрнига, харакатларни

альтернатив режаси билан биргаликда соф фойдани таҳлили ва баҳосини олмоқдамиз.”¹⁰

4.2. Тизимли таҳлилда меъёрларни шакллантириш, комплекс муаммоларни ўрганиб ечиш.

Хозирги даврда иқтисодий муаммолар доимо мураккаблашиб бормоқда. Муаммоларни мураккаблашиб бориши эса тизимли таҳлил асосида қарор қабул қилиш доирасини кенгайтириб бормоқда.

Бу корхоналарнинг бирлашуви (қўшилиб кетиши) билан боғлиқ концепцияларни ишлаб чиқишида, корхоналарнинг рақобатдошлиқ стратегиясини ишлаб чиқишида, молиявий - иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш каби кўплаб ҳолатларда тизимли таҳлил методологиясини, унинг меъёрий – хуқуқий асослари шакллантиришда ўз аксини топмокда.

Демак комплекс муаммоларни ечишда тизимли таҳлилни қўллашнинг устунлигилиги қўйидагиларан иборат:

1. Тизимли таҳлил концепцияси муаммонинг умумий ва сифат кўрсаткичларини очиб беради.
2. Тизимли таҳлил оралиқ ва якуний кутилаётган натижаларни кўриш ва қарор қабул қилиш имконини беради.
3. Тизимли таҳлил муаммони объектив стандарт ечимини кўрсатиб беради, келгуси хатоларни олдини олади.

Иқтисодий муаммони ечиш метологиясини яратиш - ижодий жараён бўлиб, унинг андозаси йўқ. Шунинг учун ҳам ҳар қандай иқтисодиёт умумийлик (иқтисодиётнинг умумий томонлари) билан хусусийликдан шаклланади.

Тизимли таҳлил бозор иштирокчиларининг микроиктисодий моделларини тушиш имконини беради. “Микроиктисодий моделлар иқтисодий тизим ёки унинг иштирокчиларини хатти-харакатлари хақида маълумот олишда, шу билан ўтказилаётган альтернатив сиёсатнинг таъсирини баҳолаш ва зарур бўлганида уни бошқаришда фойдаланиш мумкин бўлади. Улар шу билан бозор таркибини аниқлашда, ресурслардан кутилган натижаларни олишда, бозор шароитларини аниқ баҳолашда қўлланишлари мумкин. Шундай қилиб микроиктисодий моделлар альтернативаларни идентификация қилишда ва уларни таъсирини баҳолашда фойдали бўлиши мумкин.”¹¹

4.3. Ижтимоий - иқтисодий муаммолар ва уларнинг тизимлари

Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози муаммоларни янада мураккаблаштириб юборди. Муаммоларнинг тизим форматига солиб ечилиши учун турлича ёндашувлар ва усуllардан фойдаланилмоқда. Мисол учун Греция

¹⁰ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. p-252.

¹¹ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. p-22

иқтисодиётига Халқаро Валюта Фонди, Европа иттифоқининг кўмак дастури киби мисоллани келтириш мумкин.

Грецияда эса иқтисодиётнинг янги тизимини яратишида бюджет харажатларини камайтириш, ваюта тежамкорлигига эришиш, ишхақини камайтириш каби тизимнинг компонентлари ва уларнинг самарали механизмини шакллантириб ишга тушириш назарда тутилмоқда. Бироқ бу жараёнлар аҳолининг даромадларини камайишига, ишсизларни кўпайишига, мамлакат қарзини тўлаш юкининг оғирлашувига олиб келмоқда. Демак тизимнинг ҳар бир компонентидаги ўзгариш бутун тизимнинг кўрсаткичларини ўзгаришига олиб келади.

Стратегик ривожланиш нуқтаи назаридан бундай оғир муаммоларни ечимини топиш, мамлакатни таназулдан олиб чиқишининг ягона йўли деб қаралмоқда.

Иқтисодиётни бундай масалалари комплекс, инновацион, интеграцион, самарали ва узоқни кўзлаб ёндашувини тақазо этмоқда. Бу тизимли таҳлил назарияси, тизимли таҳлил ва тизимни янги ривожланиш модулини яратиш демақдир.

Ўзбекистонда пул-кредит тизими ва пул кредит сиёсатини мамлакатнинг имкониятларини баҳолаган ҳолда, узоқни кўзлаб амалга оширилиши натижасида хозирда республика банкларининг барқарор ривожланиб бораётганлигини халқаро рейтинг баҳолаш агентларининг республика банк тизимига берган баҳоларидан билиш мумкин.

Пул кредит тизимининг бирламчи ва иккиламчи алоқалари, омиллари, оқибатлари ўрганиб чиқилди. Мамлакатда кредитни узоқни кўзлаб олиниши, оқибатларини ўйлаб, чукур таҳлил қилиниши натижасида пул-кредит сиёсатини юритилиши ўз натижасини бермоқда.

Бундай пул кредит сиёсати баъзи чет эл мутахассисларининг танқидларига учраган бўлсада, бугун республика пул кредит тизимини тўғри эканлигини исботлаб турибди.

Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлилда Дельфи усули нима ва қандай қўлланилади?
2. Тизимли таҳлилнинг методологиси нима ва уни қандай яратилади?
3. Тизимли таҳлилда концепциялар ишлаб чиқиша фойдаланса бўладими?

Мисол келтиринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Paul. J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of System Analysis and Decision Making/ Publisher: Willey. 1 edition (march 1994). Paper back: 412 pages.
2. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, April 2011.
3. www.imf.org
4. www.worldbank.org

5-мавзу. Тизимли таҳлилда қарор қабул қилиш асослари.

Режа:

- 5.1. Қарор қабул қилишнинг аҳамияти, объекти ва субъектлари.**
- 5.2. Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобилликлари.**
- 5.3. Қарор қабул қилишнинг усуллари ва модели.**

Таянч иборалар: қарор, қарор қабул қилувчи, қарор ва ҳаракатнинг бошланиши, меъёрлар, муқобиллик, қарор қабул қилиш усуллари, моделлари.

5.1. Қарор қабул қилишнинг аҳамияти, объекти ва субъектлари .

Қарор қабул қилиш - харакатни энг мақбул ва самарали вариантини аниқлаш ва амалга оширишдир.

Қарор қабул қилиш амалий фан бўлиб ўзига хос масъулиятли ва зиддиятли жараёндир. Иқтисодий қарорларни қабул қилинишида технологик, ижтимоий, экологик, табиий, сиёсий, хуқуқий ва бошқа қарорга таъсир этадиган асослар пухта таҳлил қилинган, уларнинг хulosса ва тавсияларига қарор таянган бўлиши зарур.

Иқтисодиётнинг мураккаб ва ҳал қилувчи муаммосини аниқлаш, унинг келиб чиқиши сабаблари ва илдизини аниқлаш, симптомларини таҳлил қилиш қарор қабул қилишда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун аввало муаммо аниқлангач, тизими, тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари, таҳлилни амалга ошириш схемаси, босқичлари, кутилаётган вазифалар аниқланади. Сўнгра тизимли таҳлил амалга оширилиб, адекват ечим модели яратилади. Модел барча бирламчи таъсир этувчи омилларни ўзига синтез қилган, ривожланиши тенденцияларини ва қонуниятларини ўзида мужассамлаган бўлиши зарур. Масалан “Бозор иштирокчиларини шаклланган вазиятларни аниқ баҳолаб оптимал харакатлар қилишлари тўғри қарор қабул қилишлари учун жуда катта хажмдаги ахборотларни қайта ишлашларига тўғри келади. Бундай шароитларда улар ўзларининг оптималлаш масалаларини тузишга тўғри келади. Масаланинг ечими иштирокчилари, ҳар бир фирма ва уй хўжалиги товарлар ва ресурслардан қанчадан алмашишларини аниқлайди, бунда бир фирма ва уй хўжалиги ўз мақсад функцияларини қаноатлантирилишини максималлайдилар, фирмалар учун фойда, ва истеъмолчилар учун наф келтириш. Ҳар бир фирма ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасида фойдани максималлаайди, бунда ҳар бир истеъмолчи наф келтирилишини ўзининг бюджет чегараси доирасида максималлайди.”¹²

Тизимли таҳлилнинг модели ва хulosалари асосида қарор қабул қилинади. Қарорни амалга ошириш учун аниқ харакат дастури ишлаб чиқилади. Унда харакатдан кутилаётган оралиқ натижалар ва якуний натижалар рақамлар билан

¹² Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, Aprile 2011. p-23.

ўлчанадиган, олинадиган натижаларнинг ривожланиш жараёни мониторинг қилиб баҳолаб бориладиган бўлиши керак.

Қарор қабул қилувчилар –корхона раҳбари, коллектив, давлат институтлари бўлиши мумкин. Ҳар бир қарор қабул қилувчининг аниқ қарор қилиш тартиби, схемаси ва механизмлари мавжуд.

Мураккаб иқтисодий муаммоларни ечишга қаратилган қарорни қабул қилишда маслаҳатчиларнинг роли мухим аҳамиятга эга бўлади.

Қарорларнинг турларидан бири – муқобил қарор бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинади:

а) мустақил - ҳар қандай харакат муқобил вариантларга таъсир этмайди;

б) мустақил бўлмаган муқобил қарорларда ҳар қандай харакат муқобил вариантларга таъсир этади.

Икки зиддиятли томонларни идеал даражада қониқтирадиган қарор зиддиятларни бошқариш қарори дейилади.

5.2. Қарор қабул қилишнинг меъёрлари ва муқобилликлари

Қарор қабул қилишда белгилардан, омиллардан, меъзонлар/критериялар, таркибий қисмлардан фойдаланилади.

Меъзонлар –асосий *kritik/аҳамиятли* кўрсаткичлардир. Меъзонларга мисоллар – устиворликлар, мақсадга олиб борувчи меъзонлар.

Мезонлар тажриба ва асосий кўрсаткичлар асосида аниқланади (инвестиция лойиҳаларида асосий меъзон – кредитни қайтариш кўрсаткичлари (NPV, PI, IRR, DIRR, ROI, инвестициянинг қопланиш муддати).

Қарор қабул қилишда сон ва сифат шкаласидан фойдаланилади.

Сон шкаласи - (пулдаги кўрсаткичлар). Республика ялпи ички маҳсулоти, Корхонанинг йиллик сотилган маҳсулоти ва бошқалар.

Сифат кўрсаткичлари (1 ёки 0.). Ҳа ёки йўқ

Абсолют шкала - гуруҳдаги талабалар сони, лекциялар сони, мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулоти, унинг ўсиш суратлари кабилар абсолют миқдорлардир.

Нисбий шкала (сантиметр ва дюйм)

Оралиқ масофа (интервал) шкаласи (хароратни шкаласи Цельсий ва Фарангейт)

Фарқларни ифодаловчи кўрсаткичлар (Хижрий йил ва Мелодий-амалдаги йил фарқлари)

Қарор қабул қилишда сифат шкаласидан фойдаланилади.

Сифатни ўлчовчи кўрсаткичлар/шкала нисбий характерга эга.

Номинал кўрсаткичлар/шкала (талабаларни факультет, гуруҳларга ажратиш). Иқтисодиётда миллий даромаднинг ўсиши, жон бошига тўғри келадиган миллий даромад, корхона соф фойдаси, рентабеллик ва бошқалар.

Тартибловчи кўрсаткичлар/шкала (муқобил вариантлар долзарблиги, аҳамиятига нисбатан таққосланади). Ялпи ички маҳсулотнинг базис даврига нисбатан ўсиши, маҳсулотнинг тан нарҳида ўзгармас харажатларнинг салмоғи ва бошқалар.

Оғзаки-рақамларшкаласи – Харингтор шкаласи. Вакант ўринга кадр танлашда билими, тажрибаси, комуникация даражаси хисобга олинади. Шундай ҳолларда Харингтон шкаласидан фойдаланиш мумкин.

5.3. Қарор қабул қилишнинг усуллари ва модели

Қарор қабул қилиш назариясида 3 ҳил усул мавжуд:

1. Норасмий (эвристик)
2. Сон
3. Жамоавий

Норасмий усулда қарор қабул қилувчи интуицияга (тўпланган тажрибага ва аниқ билимга) асосланади. Бу усулда субъектив, тез қарор қабул қилиш имкони мавжуд.

Бироқ интуициянинг ишончлилиги, кафолатнинг йўқлиги - бу усулнинг камчилигидир. Лекин опреатив қарор қабул қилиш жараёни тез-тез учраб туради. Шундай ҳолларда интуицияга асосланган қарорлар ҳам қабул қилинади.

Адаптив усул

Адаптив қарор авваллари бир марта қабул қилинган қарорга асосан қабул қилинади.

Мисол. Пилот лойиҳа натижалари асосида яна шундай қарор қабул қилиш адаптив усулдир. Бу ҳолда ҳам интуиция қарор қабул қилишда асос бўлади.

Сон усуллари

Бу усул -тизимли таҳлил, операциялар тақдиқоти, статистик ва эҳтимоллар назарияси ҳамда моделларига ҳамда бошқа усулларга таянади.

Бу усулда оптимал қарор қабул қилиш учун катта миқдордаги информаялардан фойдаланилади.

Математик усуллар сон усулларига яққол мисолдир. Масалан, истеъмолчилар ва фирмаларнинг “бозордаги хатти харакатларининг классик назарияси математик моделлари қуйидаги гипотезаларга асосланади. Фирмаларнинг мақсади фойдани максималлаштириш. Буни амалга ошириш учун фирма ишлаб чиқариш харажатларини билиши керак. Бу харажатлар бозорнинг ҳолати, ундаги фундаментал уч турдаги ресурслардан: ер, капитал ва ишчи кучидан. Кўп адабиётларда ахборот ва билимлар тўртинчи фундаментал ресурсларни мисоллайди.”¹³

Жамоавий (коллектив) қарорлар- жамоанинг ақл идроки асосида тузилади ва хатоликларга камдан кам йўл қўйилади. Бунда “Делфи”, “Ақлий хужум” эксперт баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланилади. Бироқ у қўп вақт ва маблағ талаб этади. Бундай қарорлари ижроси ва қўзланган натижага эришиши енгиллашади, чунки уни колектив тушунган ва қўллаб қувватлаган бўлади. Бу қарорларнинг натижавийлиги таъминлайди. Кутилаётган натижалар

¹³ Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse. 420 pages, April 2011. p-25.

ва уларнинг самарадорлиги ҳам оралиқ натижалар асосида босқичма- босқич келиб чиқади.

Қарор қабул қилишда баъзан тўғридан- тўғри музокаралар олиб бориш, вакт мобайнида уни долзаблигини ўзгаришини ҳисобга олиш лозим.

Иқтисодиётда қарор қабул қилиниши билан масадга қаратилган катта ресурслар ишлатила бошлайди. Уларни сарфлаб, кўзланган натижани олиш жуда мураккаб. Қарор қабул қилувчидан катта билим, тажриба, кўникма, саъаткорлик талаб этади. Шунинг учун қарор қабул қилиш санъат даражасидаги масала сифатида кўрилади.

Назорат саволлари:

- 1.Тизимли таҳлилдан фойдаланиб қарор қабул қилишнинг асосий сабаблари нималардан иборат?
- 2.Қарор қабул қилишнинг қандай усуллари бор?
- 3.Муқобил қарорлар қандай сифатлари билан ажралиб туради?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Udo Richard Franz Averweg. Decision-making support system: Theory and practice/ Bookboon.com/ 2012 year. 148 p.
- 2.Paul. J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of System Analysis and Decision Making/ Publisher: Willey. 1 edition (march 1994). Paper back: 412 pages.
- 3.Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse.420 pages, April 2011.
- 4.www.gov.uz
- 5.www.lex.uz.
- 6.www.norma.uz

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Тизимли таҳлилда иқтисодий муаммони асосини шакллантириш ва ечиш.

Ишдан мақсад: иқтисодиётнинг долзарб муаммосини ажратиб олиш ва тизимли таҳлил методологияси асосида уни таҳлил қилиш

Масаланинг қуишлиши: Ўзбекистонда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишининг интенсив йўли стратегик масала сифатида

Ишни бажариш учун намуна: Ўзбекистонда интенсив боғлар намуналари таништирилди ва унинг маҳсулотлари Европа стандарт талабларига жавоб беради

Назорат саволлари: Интенсив боғларга инвестиция харажати ва даромадини аниқланг? Интенсив боғларни экспорт салоҳиятини очиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems. Organizations, and Enterprises. Andrew P. Sage, William B. Rouse. 420 pages, April 2011.

2. Paul. J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of System Analysis and Decision Making/ Publisher: Willey. 1 edition (march 1994). Paper back: 412 pages.

3. <http://www.Lexuz>

Режа:

1. Тизимли таҳлил асосида ечиладиган муаммони аниқлаш. Объектнинг келгусини кўриш. Тизим компонентларини аниқлаш ва яхлитлигини (тизимлигини) абстракт усулида таъминлаш.

2. Муаммони ечиш технологияси (босқичлари) аниқлаш.

3. Муаммонинг тизимли таҳлил этиши

4. Муаммонинг модели ва уни адекватлигини аниқлаш

5. Тизимли таҳлил хulosса ва тавсиялари асосида қарор қабул қилиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиши

Тизимли таҳлил асосида ечиладиган муаммони аниқлаш. Объектнинг келгусини кўриш. Тизим компонентларини аниқлаш ва яхлитлигини (тизимлигини) абстракт усулида таъминлаш.

Долзарб иқтисодий муммолар, тушуниш қийин муаммолар ва шу билан бирга иқтисодиётни катта ривожланиш босқичига олиб чиқадиган бирор муаммони танлаб олинади. Уни долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорларида, Ўзбекистон Республикиси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида, Давлат дастурларида ва шу каби норматив – хуқуқий хужжатларда келтирилади. Бундай муаммолар асосан амалий муаммолар бўлиши керак ва уларни ҳал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш зарур. Бунинг учун муаммони танлаш ва ўрганиш (таниш) лозим. Сўнгра Муаммони ечиш учун тегишли олимлар/мутахассислар олдига қўйиш керак. Муаммони мураккаблик даражасини чеклаш, унинг доирасини аниқлаш зарур бўлади. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрганилади. Вазифалар

тегишли ижрочиларга берилади, ечиш йўлларини аниқланади. Тизимли таҳлил методологияси аниқланади ва таҳлил босқичлари схемаси тузилади. Таҳлил асосида тизимнинг адекват моделлари яратилади. Моделнинг адекватлиги текширилади ва барча асосий омиллар моделда синтез қилинади. Модел ва олдиндан белгиланган мақсад асосида стратегия (ёки концепция) ишлаб чиқилади. Натижани амалиётга тадбиқ этиш учун қарор қабул қилинади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

КЕЙС СТАДИ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ер ости сувидан фойдаланиб томчилатиб суғориш технологияси орқали етиштириш

Муаммонинг қисқача тариҳи ва долзарбилиги

Ўзбекистон Республикасида инқизорзга қарши дастурлар ишлаб чиқарилиб, иқтисодиётни модернизациялаш ва тўғридан- тўғри хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишга катта аҳамият берилмоқда.

Бу муаммо айниқса қишлоқ хўжалигига янада долзарб аҳамият касб этади. 2007-2008 йиллардаги сув танқислиги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни янада чеклаб қўйди. Келгусида сувнинг чекланганлиги янада долзарб муаммога айланиб бориши маълум. Шу сабабли қишлоқ хўжалигига **суғориш тизимини** янада такомиллаштириш, янги самарали технологияларни яратиш, ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш объектив зарурятга айланди.

Бу борада кейинги йилларда Ўзбекистон хукумати томонидан бир қатор янги қарорлар ва норматив техник хужжатлар қабул қилинди.

2010 йилдан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида томчилатиб суғориш технологиясини босқичма-босқич жорий этиш, томчилатиб суғориш технологиясини кўллаш, фермер хўжаликларига бу борада имтиёзлар бериш, давлат идоралари томонидан томчилатиб суғориш технологиясини кўллаб қувватлаш белгилаб берилди.

“Заркент универсал” фермер хўжалигининг хаётий тажрибалари

Тошкент вилоятининг Паркент тумани Заркент қишлоғида 1400 га суғорилмайдиган экин майдони бўлиб, бу майдонларда фермерлар боғдорчилик ва узумчили билан шуғулланиб келмоқда.

Шундан

А) Узумчилик 1000 га ва

Б) Боғдорчилик 400 га майдонни ташкил этади.

Қишлоқ аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи шу қишлоқдан оқиб чиқадиган табий булоқ суви хисобига қондирилиб келган.

Заркент қишлоғи адирлик ерларда жойлашган. Боғдорчилик ва узумчилик лалми ерларда, юмшоқ-қумоқ тупроқда ташкил этилган. Қишида ва баҳордаги намгарчиликка қишлоқ хўжалиги хосилдорлиги бевосита боғлиқ.

Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятининг суғориладиган унумли ерларидан Заркент қишлоғининг ҳосилдорлик камроқ ва таваккалчилик даражаси юқори.

Республиканинг деярли ҳамма вилоятларида шундай минглаб гектар майдонлар мавжуд. Демак амалга оширилмаган салоҳият республика бўйича катта ва бу салоҳиятни ишга тушириш қишлоқ хўжалиги ва экспортни диверсификациялаш имкониятини беради.

Шундай қилиб муаммога стратегик муаммо сифатида, узоқни кўзлаб, тизимли ёндашиш зарур эди. Муаммога тизимли, комплекс ва инновацион ёндашиш лозим эди. Томчилатиб сугориш тизими, унинг компонентлари, компонентларнинг алоқадорлиги, кўрсаткичлари, самарадорлик даражаси ва кўтилаётган натижа аниқланди каби ҳар тамонлама кенг ва чуқур таҳлил олиб борилди. Муаммонинг долзарблиги ва уни ечиш учун пилот лойиҳаси ишлаб чиқаришга фермер, туман хокимлиги, Халқаро лойиҳа раҳбарлари келишдилар. Лойиҳанинг компонентлари бир тизимга солинди.

Тизимни компонентлари

- **лалми ер**, унинг намлик даражаси жуда кам, шунинг учун авваллари бу ерга совхоз даврида лалми буғдой экилган ва асосан фойда ўрнига зарар олинган.
- **гидрогеология маълумотларига** кўра шу худуд **ер ости суви заҳираси** мавжуд ва ундан фойдаланиш эксперталар томонидан тавсия этилган. Сувнинг чуқурлиги 140-150 метрни ташкил этади.
- **томчилатиб сугориш технологияси** мавжуд ва уни Израил Ўзбекистон қўшма корхонаси амалга ошириши аниқланди
- **тажрибали ва тадбиркор фермерянгиликка** қизиқувча, унинг етакчили қобилияти бор.
- **юқори дарамод берувчи мева ва узум кўчатлар** экиб уни экспорт қилиш билан инвестиция харажатлари қопланади ва ваюта тушумлари республикага кўпаяди.
- **экспорт учун имтиёзлар** берилган ва ундан фойдаланиш керак.
- **транспорт ва логистика** тизим мавжуд ва уни самарали тизими яратилган
- **импорт қилувчи ҳамкорлар** билан аввалдан ишончли ҳамкорлик ўрнатилган.

Тизимни барча компонетлари интеграллашган ва инновацион ёндашув асосида, тизимли таҳлил тамойиллари ва методологияси асосида таҳлил қилинди. Таҳлил асосида фермер хўжалиги учун **пилот лойиҳасининг модели** яратилди. Яратилган модельни республика миқёсида ижобий тажриба сифатида тарғиб қилиш ва кенг кўламда тарқатиш имкониятлари (economy of scale) ҳамда модельни адекватлилиги ўрганилди.

Лойиҳада анъанавий лалми буғдой экини ўрнига экспорт салоҳиятига эга, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган гилос нави, хўл ҳолда сотишга мўлжалланган узум ва шафтоли кўчатлари ўтқазилди. Бу эса инвестиция харажатларини қоплаш ва валюта даромадларини олиш имкониятини яратар

эди.

“Заркент универсал” фермер хўжалигининг экин майдони 22 гектар бўлиб ундан:

Узум – 16 га

Гилос - 3 га

Шафтоли – 3 га

Инвестиция харажатлари икки молиявий манбъ ҳисобидан амалга оширилиши керак эди. Фермер Зафар Ашурев томчилатиб суғори тизимини амалиётга тадбиқ этишда илғор хорижий ва мамлакат тажрибаларидан фойдаланилди. Шу тажрибалардан биринчиси тизимли таҳлил асосида яратилган хулосалар, фермер хўжалигининг келгусида ривожланиш стратегиясининг ишлаб чиқилганидир.

Фермер хўжалиги қўйидаги харажатларни ўз зиммасига олди:

1. Ер ости сувини пармалаб насос ёрдамида ер юзисига чиқариш харажатлари

2. 2 та сув цистернасини сотиб олиш ва ер ости сувини насосда цистернагача етказиб бериш харажатлари. Ҳар бир цистерна 32 тонна сув сақлаш хажмига эга.

Қолган барча харажатларни халқаро лойиҳа (КРТ/ПРООН) томонидан амалга оширилди...

Лойиҳани амалга оширишда жаҳоннинг илғор тажрибалари (томчилатиб суғориш жараёнида суюқ минерал ўғит бериш, сув сарфини 6-10 марта камайтириш, тизимли таҳлил ва пилот лойиҳа ишлаб чиқиш, маҳсулотни экспор бозори талаблари асосида етказиб бериш шулар жумласидандир.

Пилот лойиҳанинг ижобий натижалари республиканинг бир қанча вилоятларида ижобий ютуқ сифатида тарқатилиши керак эди. Пилот лойиҳанинг ғояси ва ишланмаларини конкрет фермер хўжалиги ерларига адаптация қилиш имконияти ҳисобга олинган эди.

Миллий иқтисодиёт қўламида ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иқтисодиётни модернизациялаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.03.2009 йилдаги ПП – 1072 сонли Қарорини («О Программе мер по реализации важнейших проектов по модернизации, техническому и технологическому перевооружению производства на 2009 – 2014 годы») ижросини таъминлашга қаратилган эди.

Фермер хўжалигига экилган экинлар бехато униб чиқиб шу йилнинг ўзида ҳосил нишонасини берди. 2 ва 3 йилларда ҳосил экспорт қилинди ва барча инвестиция харажатлари қопланди. Фарғона водийси, Қашқадарё ва Тошкент вилояти фермер хўжаликлари раҳбарлари ижобий тажрибани ўрганиш учун таклиф этилди. Улар учун пилот лойиҳаси модели аниқ ва ишонарли тажриба бўлди. Кейинги йилларда бу жараёнлар босқичма-босқич барча вилоятларда давом этди.

Пилот лойиҳаси модели ва тажрибаси билан танишган республика фермерларининг биринчи хулосалари:

Қашқадарё вилояти

Биринчи марта бундай томчилати сугориш тизимини кўриш ва танишиш мен учун қизиқарли бўлди. Бизнинг еримизда ҳам шундай тизимни ва лойиҳани амалга оширса бўлади деб ишонч ҳосил қилдим. Давлат томонидан бундай самарали тизимни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда ва ҳар томонлама қўллаб- қувватланмоқда. Бизнинг худудда ҳам сув чекланган, еримиз ҳам ўхшайди. Биз ҳам узумчилик билан шуғулланамиз. Аммо сувнинг камлиги бизни имкониятларимизни чеклаб қўймоқда. Биз томчилатиб сугориш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга ишончимиз ортди ва келгусида шундай лойиҳага инвестиция жалб этамиз.

Фарғона ва республиканинг бошқа вилоятларидан келган фермерлар анкета сўровларига қўйидаги хулосаларини билдирилар. ТОмчилатиб сугориш ва юқори даромад берадиган экинларни экиш фермер ва республика манфаатларига мос келади. Бу тизимнинг устиворлиги:

- Сув сарфининг 6-10 марта гача камлиги.
- Резина - пластмасса трубалар капилярларидан сувнинг бир текис кўчатларга томиб туриши.
- Сугориш тизимини осон бошқарилиши.
- Хосилдорликни кўпайиши ва оби-ҳавога мин боғлиқлик.
- Хашоратларнини кам таъсири ва ўсимликларни касалликлардан кам зарарланиши.
- Тупроқ структурасини эррозиядан сакланиши ва бошқалар.

Бу муаммоли вазиятни сизнинг худудингиздаги фермер хужаликлари ва мева(узум ёки гилос ёки бошқа) кластерда ечимини топиш мумкинми. Бунинг учун қандай стратегия ишлаб чиқилиши, кластер ёки бошқа тизимли таҳлил улуларини қўллашни таклиф этинг.

Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олганлигидан келиб чиқиб қўйидаги саволларга жавоб аниқлансин: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ кейс билан танишиш(матн, статистик ва бошқа тегишли маълумотларни ўрганиб чиқиш); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш ✓ муаммони компонентларини аниқлаш ва тизим форматида кўриш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда (2-3 киши бўлиб) ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда (2-3 киши бўлиб) ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда (2-3 киши бўлиб) ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсда тизимли таҳлил методологияси ва ундан амалиётда фойдалашиш “аклий хужум” билан ёритиб берилишига асосий эътибор қаратилсин


CASE OF ZARKENT UNIVERSAL FARM ON DRIP IRRIGATION

IRES series No. 2

ISSN 1880 – 7089

**Changing Society:
Environment and Human Insecurity
in Central Asia**

Edited by Yoshihiro Kimura



February 2008
Division of International & Regional Environmental Studies
Graduate School of Environmental Studies
Tohoku University

Although the government of Kyrgyzstan undertook certain efforts to increase salaries to state employees – teachers, doctors, law machinery employees as well as pensioners and other social privileges, it didn't improve the life of ordinary people. Recently, the prices in Kyrgyzstan for foodstuff have increased by 100%. The decline in the standard of living intensified the migration sentiments of the population. During 2003-2005, by the data of the National Statistical Committee, 25,500 people migrated from Kyrgyzstan to Russia. Compared to 2004, the number of emigrants increased by 9,449 people. According to the report of Isabekov, the chairman of the Commission on labor migration of Jorganu Kenesh, the number of ethnic Kyrgyz, leaving the country, increased in three times.

The lack of clear political strategy by the government to being the country out of the systematic political crisis, moreover, antidemocratic inclinations of public officials, the appearance of criminal elements in the political arena, often promoted by public officials, resulted in a permanent political instability, threatening the integrity of the country. As a consequence of the paralysis of the government, the disappointment and anarchic sentiments could arise among the population of Kyrgyzstan. People do not believe that the new government will bring an order to the society. The result would be a universal crisis of Kyrgyzstan state, which would further radicalize the society and promote the condition of political instability between various state institutions: the president and deputies of the parliament as well as between the president and the prime minister. The main danger consists in the fact that the country would enter the period of instability, full of conflicts and uphaovals, which would bring to separation in southern regions, and finally, the threat towards the independent existence of the Kyrgyz Republic. Hence, the crisis political and socioeconomic situation, a number of political and socioeconomic factors of instability in Kyrgyzstan, will stimulate the preservation and even intensification of migration of both non-industrial and industrial groups of the republic.

Socio-Economic Changes of Rural Economy (In case of the Ferghana Valley)

Associate Prof. Makhmatalojon Kasimov
Tashkent State University of Economics

Contents
Resume
Preface

- I. The development of private farms and social and economic changes in rural areas of the Ferghana valley
 - 1.1 The Ferghana valley in brief
 - 1.2 Private farms and its key socio - economic indicators
 - 1.3 Dehkan farms in greenhouse
 - 1.4 Water user association is new system for private farmers
- II. Diversification of farms based on innovative pilot projects
 - 2.1 Case of "Zarken universal farm"
 - 2.2 Diversification of farming in fruits and vegetable (Case Solijon farm)
- Conclusion

management of resources will help to develop a new socio - economic development strategy of the region.

The objective of this research is to analyze socio-economic trend of private and dehkan farms in the Fergana valley in terms of fruits and vegetable producers, to identify current issues and constraints concerning the management of agricultural resources, and to formulate recommendation.

The structure of research paper: This paper consists of introduction, two chapters, conclusions, and recommendation.

Introduction: Actuality of research topic and the objective and structure of the research are indicated in the introduction. The first chapter of the paper describes the Fergana valley in brief, its economic potential, current trend of agricultural production, the establishment of private and dehkan farms and their share in agricultural production of the region, water users association, and institutional development in terms of private farms. The development of private farms and dehkan farms affected the social structure of rural population. Some of them diversified their business and formed a new social group. This trend was illustrated in the development of greenhouse cultivation of dehkan farms.

The second chapter deals with two case studies. One of the twos is a new pilot project of drip irrigation, which will be able to change farming from low value crop cultivation into high value crop cultivation and to strengthen competitive advantage of the farms. The drip irrigation project enabled to use underground water as additional source of watering agricultural crops and to prevent land degradation and water erosion. Other case study is farm diversification, which gradually increases export of product and creates informal integration between farms and farm support organizations. This is a case in which commercial minded farmers can improve rural economy, create new job places, and influence on socio-economic situation in rural area.

Conclusion and recommendations: After detailed examining theoretical, practical, and legislative information as well as my own field surveys, some recommendations are made for further socio - economic development of rural economy in the Fergana valley.

Literature: Literature provision in this research paper helps to learn more

widely and deeply the research subject

I. THE DEVELOPMENT OF PRIVATE FARMS AND SOCIAL AND ECONOMIC CHANGES IN RURAL AREAS OF THE FERGHANA VALLEY

1.1 FERGHANA VALLEY IN BRIEF

